



ИШОНЧ

34



Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси



1 СЕНТЯБРЬ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КҮНИ

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

МУСТАҚИЛ республикамиз касабա уюшмаларининг шу кеча-кундуздаги фаолияти, меҳнаткашлар ўртасида тутган мавқе, обрў-эътибори, халқаро касабա уюшмалари билан яқин алоқада олиб бораётган ишлари хорижий давлатларни ҳам йилдан-йилга кизиқтириши ошираётганлиги кўпдан маълумдир. Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. Алламуродов ҳузурда Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан-поль Везиан билан бўлиб ўтган учрашув мавзуси ҳам худди шу борада ўтди. Ўзаро мулоқот пайтида Б. Алламуродов элчини кизиқтирган шу ва шунга ўхшаш кўпгина саволларга жавоб берди. Элчи Жан-Поль Везиан дўстона муносабатда ўтган мазкур мароқли суҳбат учун сидқидил миннатдорлик билдирди. Учрашувда Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини З. Қодиров иштирок этди.

«Ишонч»нинг махсус мухбири.

АМАЛИЙ КЎМАКЛАР

ТЎРТКЎЛ туманидаги Эломонов номли мактаб ўқувчилари республикамиз мустақиллигининг шонли икки йиллик тўйини сифатли таъмирланган синф хоналарида «Ўзбекистон — келажак буюк давлат» мавзудаги дастлабки машғулот билан бошлайдилар. Бу билим маскани Обоюн Дурдиев номли жамоа хўжалигининг гилам тўқиш цехи ишлаб топган соф фойда ҳисобидан тўла таъмирлаб берилди. Бу йил Қоракалпоғистонда мактабларни таъмирлаш, қўшимча синф хоналари қуришда ҳомийларнинг амалий ёрдамлари ҳар қачонгидан ҳам катта бўлди. Республикадаги мавжуд 699 та умумий таълим мактаби, 36 та ҳунар-техника билим юртлири, 400 мактабгача таълим-тарбия ўчоқлари, 6 та мактаб-интернат, 20 та мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари биноларининг ярмига яқини ҳомийларнинг кўмаклари натижасида янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Бу борада Тўрткўл, Нукус, Қонликўл ва Мўйноқ туманлари касабա уюшмалари кўмиталари намунали иш олиб бордилар.

«Ишонч» мухбири.

ЯХШИЛИК УНДИ...

Энди Иштихон тумани аҳолиси ёр-мой маҳсулотига зорикмайдиган бўлишиди. Чунки яқинда кеча-кундузда 120 тонна чигитни қайта ишлаб, 10 тонна ёр ишлаб чиқариш кувватига эга «Рустами Достон» номли завод ишга

туширилди. Завод хориждан келтирилган янги ускуналар билан таъмирланган. Бу ускуналар эса ёрни ҳеч қандай йиқорсиз, умуман, инсон саломатлигига заррача таъсир қилмайдиган даражада олаётди.

— Фақатгина хомашёдан озроққина қийналаётир-

миз, — дейди завод директори — Чунки биргина Иштихон туманимизнинг бераётган чигитлари гоят баланд кувватга эга заводимиз учун дарёдан бир ховучдек гап.

Ойсара МУЗАФФАРОВА,
Самарқанд вилояти.



Юртингда ширинлик қанча кўп бўлса, турмушинг ҳам тотлидир. Бунга яхши билган Тошкент «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикаси ҳар ярим йилда 3 минг тоннадан ортик турли конфетлар ишлаб чиқармоқда. Сурагда:

қандолатчи Дилфуза Турובה билан Мавжуда Файзихўжаевалар.

А. Даврон сурати.

ТАЯНЧ

НАВОИЙ вилояти касабա уюшмалари кенгашининг бу галги мажлиси шу куннинг энг долзарб масаласига бағишланди. Унда «Республикада ислохотлар ўтказилаётган шароитда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш юзасидан Навоий вилояти касабա ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» касабա уюшмалари вилоят кенгашининг раиси Светлана Аҳадовна Махнёванинг маърузаси тингланди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда давлат муассасалари касабա уюшмалари вилоят кўмитасининг раиси Ш. Халилов, Навоий шаҳар газлаштириш идорасининг бошлиғи А. Маждидов, агросаноат мажмуи ходимлари касабա уюшмаси Учқудуқ тумани кўмитасининг раиси Х. Шамшатов, Хатирчи туманидаги Шароф Рашидов

номли жамоа хўжалиги касабա уюшмаси кўмитаси раиси О. Фахриддинов, вилоят касалхонаси бош врач Э. Ботирбоев ва бошқалар сўзга чиқишиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ўз меҳнат жамбаларида олиб борилаётган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Вилоят ҳокимининг биринчи муовини Л. В. Виленский мажлисда бозор иқтисодидаги ўтиш шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишда касабա уюшмаларининг шу кунлардаги энг муҳим вазифалари тўғрисида гапирди.

Мажлисда республика халқ таълими ва фан ходимлари касабա уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Е. З. Файзуллаев иштирок этди.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ
«Ишонч» мухбири.

Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Каримов амалий ташриф билан Уш вилоятида бўлди. Бу ерда Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат бошлиқлари 1994—2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги байнотомани имзоладилар.

● **МАМЛАКАТИМИЗ** Президенти Ислам Каримов республикамизда меҳмон бўлган Туркия Республикаси Динат ишлари бошқони Меҳмет Нури Йилмез раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнатлари учун Сурхондарё вилояти, Денов тумани Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги раиси Иброҳим Файзуллаевга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони берилди. Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар

давлат кўмитаси раиси Тўлқин Шоёкубов эса Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

● **МУСТАҚИЛ** Республикасининг икки йиллигига бағишлаб пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий боғида Республика хотин-қизларининг «Ўзбекистон — ватаним меним» мавзуда адабий кечаси бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда ўзбек ёзувининг истиқболи, тарихи, лотин алифбосига ўтиш зарурати, тавсия этилаётган лойиҳа, янги ёзувга ўтиш дастурини тайёрлаш масалалари атрофида таҳлил қилинди.

● **МУСТАҚИЛ** Ўзбекистонимизда бозор иқтисодининг фаол тарғиботчиси бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Савдогар» газетаси чиқа бошлаганига бир йил бўлди. Илк сонни 20 минг нускада чоп этилган газета ҳозир 50 минг нускадан ошиб кетди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг бевосита ёрдами билан «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўرғазма марказида Эрон Ислам жумҳуриятининг кўрғазма-ярмаркаси ўтказилмоқда.

КУЧЛИ ижтимоий сиёсат — бозор иктисодиётига ўтиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов олға сурган беш асосий таъминнинг бири — бозор иктисодиётига ўтишининг гоёй мураккаб шароитларида давлатимиз аҳолининг, биринчи навбатда фуқароларнинг кам таъминланган заиф қатламларини иктисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида тиймай гамхўрлик қилмоқда.

Бу мақсадга эришиш йўлида давлат билан касабани уюшмаларнинг биргаликда ҳаракат қилаётганликлари таҳсинга лойиқдир. Президентимиз айтганидек, бу оммавий ташкилот ислохотларни амалга оширишда мустаҳкам таянч бўляпти.

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов Тошкент шаҳар касабани уюшмалари кенгаши мажлисида сўзга чиқиб, ана шу фикр яна бир бор эслатиб ўтди. Биринчи навбатда биз, деб таъкидлади нотик, бўлиб ўтган учрашувда Президентимиз И. А. Каримов сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, берилган юксак баҳонини аванс сифатида қабул қилиб, ўз марраларимизни, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлат билан ҳамкорликда олиб бораётган ишда ўз ўрнимизни белгилаб олишимиз лозим. Нима учун Президент айнан касабани уюшмалари билан учрашди? Чунки, юқорида қайд этилганидек, касабани уюшмалари меҳнат қилувчиларини ўз сафларига бириктирган энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланади. Маълумки касабани уюшмаларининг фаоллари, етакчилари, турли даражадаги раҳбарлари ўз вазифаларига тайинланмайдилар, улар жамоаларнинг ўзлари томонидан сайланадилар. Шунинг учун ҳам, улар чиндан ҳам халқ иродаси, меҳнатқашлар иродасини ифодалайдилар. Бошқача қилиб айтганда, касабани уюшмалари билан мулоқот орқали халқнинг ҳақиқий кайфиятини билиб олиш, ўз навбатида, республика раҳбариятининг нуктаи назарини кенг халқ оммасига етказиш, қўйилмаган кадамлар ҳақида суҳбатлашиб олиш, олдинга қўйилган мақсадларга эришишга доир ўз фикрлари ва амалга ошириладиган тadbирлар ҳақидаги мулоҳазаларни билиб олиш имкони туғилди.

Жумладан, деб таъкидлади Б. А. Алламуродов, айнан шу учрашувда Президент ижтимоий муҳофаза тизимига ёндошувларни қайта идрок этиш зарурлиги ҳақидаги фикрларини биринчи марта ўртага ташлади. Ижтимоий ёрдам аниқ шахсга қаратилган, ижтимоий адолат принципларига мувофиқ бўлиши керак. Амалиётда бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги кўринишлари, усуллари республика иктисодиётини таназзулдан олиб чиқишга, аҳоли онгини боқимандалик кайфиятларидан халос этишга, меҳнатга муносабатнинг янги кўринишларини рағбатлантиришга хизмат қилувчи муҳим тadbирлар вазифасини ўташи лозим, деган маънони аналтади. Касабани уюшмаларининг етакчилари ва фаоллари буни ўзларига яхши тушунибгина қолмай, ўз ҳамкасбларининг онгига ҳам етказишлари, мазкур қондаларни одамларга тушунтиришлари, уларда республика раҳбариятининг нуктаи назари тўғрисидаги ишонч ҳосил қилишлари лозим. Чунки, пировард оқибатда, буларнинг ҳаммаси умум манфаатини кўзлаб, кишиларда янги тафаккурни, чинакам бозор иктисодиёти талабларига жавоб берадиган меҳнатга муносабатни шакллантириш мақсадида амалга ошириш керак. Ахир ишлаб чиқариш даражасининг пасайиши, корхоналарнинг даромади ошиб бориши — бу иктисодиёт мувозанати бузилишига тўғриван-тўғри таъсир этаётганлигини нормал ҳол деб бўладими? Бюджетнинг қарийб 40 фоизи эса ёрдам, қўшимча ҳақ, турли тўловлар, яъни яширин меҳнат ҳақи тарзида аҳолига қайтарилаётгани, айнаи вақтда даромад миқдори мутлақо ҳисобга олинмаётгани, яъни, текис тақсимотга амал қилинаётган ҳозирги вазиятга мос келадими? Шунинг учун ҳам муайян шахсга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, яъни чинакам муҳтож бўлган шахсларга—

ёлғиз қолган қарияларга, ногиронларга кўп болалиларга ёрдам бериш масаласи тасодифан кўтарилганга йўқ.

Ўз-ўзидан маълумки, аҳолининг муайян қисмига бундан буюн уларнинг моддий аҳоли тўла-тўқис ўз меҳнатларининг натижаларига боғлиқ бўлиб қолади, деган фикр билан чиқиши қийин бўлади. Ана шунда айнан касабани уюшмалари ўзларини кўрсатишлари лозим. Шу билан бирга Б. А. Алламуродов йиғилганларга республика Президентининг арзон обрў ҳақидаги огоҳлантиришини эслатди. Ҳозирги мушкулликларни рўқач қилиб сохта обрў орттириш осон, аммо бу яхшиликка олиб келмайди, аксинча таназзулнинг янада чуқурлашишига сабаб бўлади, деган эди у.

ЯНГИ ДАВР, ЯНГИЧА ТАЛАБ

ТОШКЕНТ шаҳар касабани уюшмалари кенгаши мажлисида республикада ислохотлар ўтказилаётган шароитда меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифаларга бағишланган ягона кун тартиби билан барча вилоят ва тармоқ касабани уюшмаларида ўтган йиғилишларга яқин ясалди.

Мажлисида кўп қимматли фикрлар ўртага ташланди. Уларга амал қилинса ташкилотнинг фаолиги ва жангворлиги яна ҳам ошиши шубҳасиз. Айнаи пайтда айрим нотиклар орасида касабани уюшмалари нашри ҳисобланган «Ишонч» ва «Ишонч — Доверие» газеталари тўғрисида шу пайтгача дурустроқ тасаввурга эга бўлмаганлар борлигидан таажжубландик. Федерация Кенгаши раиси ҳар иккала газетанинг янги сонларини шу етакчида тақдир этишни лозим топди. Қундалик ҳаётдан ироқ бўлиш бундай фаолларга ярашмайди...

МДХ мамлакатларидаги қатор касабани уюшмаларининг нуктаи назари бунга ёрқин далил бўла олади. Ўзбекистон касабани уюшмаларининг фаолияти аксинча, бозор иктисодиёти йўлидаги ислохотларни амалга оширишда улкан мадд бўлиши керак. Бунинг учун касабани уюшмалари ҳали ҳам талайгина таъсирчан воситаларига эга. Улар ўзининг ҳимоя қилиш вазифаларини ҳали ҳам жамоа шартномаларининг тизими орқали бажариши имкониятига эга. Бугунги кунда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида фаол иштирок этиш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада ҳам касабани уюшмаларининг нуктаи назари бир ёклама бўлиши керак — улар меҳнат жамоаларининг мулкни ҳимоя қилишлари лозим. Мисол учун корхоналарни акциялаштириш вақтида уларнинг имтиёзларини муҳофаза қилишлари, айнаи вақтда турли тоифадаги хизматчиларнинг — врачлар, ўқитувчилар ва бошқаларнинг манфаатларини унутмасликлари лозим.

Бундан ташқари, Б. А. Алламуродов касабани уюшмалари Тошкент шаҳар кенгаши мажлиси катнашчиларининг диққат-эътиборини яна бир муҳим масала — касабани уюшмасига аъзолик муаммосига қаратди. Ижтимоий сугуртанинг бутун тизими давлат қўлида мужассамлашганидан сўнг, касабани уюшмасида аъзолик муаммоси бўлишини олдиндан башорат қилишнинг қийинчилиги йўқ. Ана шу ўринда ушбу масалаларни олдиндан ўйлаш, умуман бутун касабани уюшмасининг ишини қайтадан идрок этиб чиқиш, касабани уюшмалари иҳтиёрида қоладиган йўналишлар — санаторий-курортларда доволаниш, меҳнатқашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, техник ва ҳуқуқий тафтиш, оммавий жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини ривожлантириш борасидаги ишларни кучайтириш гоёта муҳимдир. Шу билан бирга барча касабани уюшмалари тизимини такомиллаштириш, умум маблагни федерация кенгашида марказлаштириш концепциясини ишлаб чи-

қиш лозим бўлади. Буларнинг ҳаммаси меҳнат жамоаларининг ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун касабани уюшмалари ана шу масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ ўз марраларини асло бой бермасликлари, аксинча уларни мустаҳкамлашлари, бу борада етакчи ўринларни эгаллашлари лозим.

Касабани уюшмалари Тошкент шаҳар кенгашининг раиси О. Ш. Сафоевнинг маърузаси республикамизда ўтказилаётган ислохотларни амалга оширишда касабани уюшмаларининг тутган ўрнини тасдиқловчи, уларни аҳоли ўртасида атрофича тушунтириш, қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг тўғрилиги ва зарурлигини, жумладан, ижтимоий ёрдамнинг аниқ шахсга қаратилиши зарурлигини тасдиқловчи кўпгина факт ва рақамлар келтирилди.

Касабани уюшмалари Тошкент шаҳар кенгаши раисининг маърузасида ишсизлик муаммосига ҳам тўхталиб ўтилди. Касабани уюшмалари ана шу муаммонинг ҳал этилишига бевосита алоқадордирлар. Тушкунчилар башорат қилганидан ўлароқ бизда ишсизлик ялли, даҳшатли тус олгани йўқ, бунга сабаб, эҳтилол корхоналарга давлат бераётган қарзларнинг ортикча ишчи кучини таъминлаш учун сарфланаётганлиги. Шунинг учун касабани уюшмалари ишчи куларини бошқа соҳаларга йўналтириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, халқ хўжалигининг бозор иктисодиёти шароитида кенг ривожланиши кутилаётган соҳаларида янги иш жойларини ташкил этиш масалалари билан шуғулланишлари керак.

Мажлисида сўзга чиққан энергетика ва электр-техника саноати ходимлари касабани уюшмаси шаҳар кўмитасининг раиси К. М. Мақсудхонов, «Миконд» заводи юк чиқарувчиси, цех кўмитасининг раиси А. Ф. Васильева, касабани уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамайти шаҳар кенгашининг раиси Б. М. Тоқиев, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси касабани уюшмаси кўмитасининг раиси Т. У. Муҳидова, Тошкент чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Ф. Алимов, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси сайқал берувчилар бригадаси бошлиғи В. Ф. Колядин ва бошқалар бозор муносабатларига ўтиш шароитларида меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга доир қатор жиддий ва муҳим муаммоларни кўтардилар. Жумладан, улар ана шу муаммолар жойларда қандай ҳал этилаётгани, жамоа шартномаларини тузишдан бош тортишларга асло йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида, касабани уюшмаларининг диққат-эътиборини айнан саноат учун юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлашнинг зарурлигига қаратиш ҳақида, таъбиёт сугуртаси билан боғлиқ муаммони ҳал этиш, эҳтиёж қатта бўлган молларни насияга (кредитга) сотиш тартибин қайта тиклаш зарурлиги, уй-жой муаммоси ва ҳоказолар ҳақида гапирдилар.

Мажлис катнашчиларининг нутқларида мавжуд бўлган барча аниқ ва амалий таклифлар шакл-шубҳасиз қўриб чиқилади ҳамда таҳлил этилади. Буларнинг ҳаммаси, пировард оқибатда, асосий вазифани — бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини таъсирчан даражада ижтимоий ҳимоя қилишга, турмуш даражасини оширишга қаратилган. Республика раҳбарияти ўтказиб берган ислохотлар ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилган.

Ўйлаймики, шаҳар касабани уюшмаси кенгашининг янги раҳбари фаолларга бош бўлиб ислохотлар шароитида меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш ишларини яна ҳам кучайтиради, Президентимиз қўйган вазифаларни амалга оширишда куч-ғайратини аямайди.

Акmal AKPOMOB,
«Ишонч»нинг махсус мухбири.

ИШ УСЛУБИ ТАКОМИЛЛАШСИН

МАЖЛИСДА қилинган маъруза ва сўзга чиққанларнинг нутқларини йиғилганлар жон қулоқ билан тингладилар. Чунки тармоқда тер тўкаётган барча меҳнат аҳлининг бугунги ҳаёт тарзи ва келажак турмуши кўрилаётган мазкур масала чуқур таҳлил қилинардики, бундан ишчидан тортиб то бу соҳадаги энг юқори лавозимда ишловчилар ҳам манфаатдор эдилар.

«Республикада ислохотлар ўтказилаётган шароитда ўрмон тармоқлари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш юзасидан тармоқ касабани уюшмаларининг вазифалари ҳақида» маъруза қилган Марказий Кўмита раиси П. Н. Нурмирзаев жумладан бундай деди:

— Биз Республика иктисодиётини бозор муносабатларига ўтказишнинг Президентимиз томонидан илгари олға сурилган асосий принципларини тўла маъқуллаган ҳолда унинг иктисодий ислохотини янада чуқурлаштиришга, иктисодиёт тузилмасининг қайта қуриш шакллари, мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, иш ҳақи ва ижтимоий ёрдам, иш билан таъминлаш тизимини ислохот этишга қаратилган янги новаторлик таклифларини кизгин қўллаб-қувватлаймиз.

Ишловчиларнинг маълум қисмини, шу жумладан, кишлоқда ишловчиларни моддий товар бойликлари ишлаб чиқариш соҳасидан хизмат соҳасига ўтказиш, рентабелли бўлмаган ва дотация олиб ишловчи корхоналарини, айрим тармоқлардаги, айниқса, халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқариш соҳасидаги монополизмни тугатиш, адресли давлат ёрдамини кўрсатиш ва эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қув-

ватлаш иктисодиётни таназзулдан олиб чиқишга, одамларнинг боқимандалик кайфиятидан қутилишига, уларда меҳнатга янги ҳимоя муносабатларининг пайдо бўлишига қаратилган муҳим чоралар деб биламиз.

— Шу билан бирга ўрмон тармоқлари ходимлари касабани уюшмалари Марказий Кўмитаси ҳисоблайдики, — деди нотик, — касабани уюшмаси ташкилотлари меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги мавжуд имкониятлардан, республикада ислохотлар ўтказилаётган шароитда меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалдаги қонунчилик ҳуқуқларидан хали охиригача фойдаланмаётдилар. Барча даражадаги сайлаб қўйилган касабани уюшмаси органлари, касабани уюшмаси кадрлари фаолиятида ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда истеъмолчилик элементлари, четдан кузатиб туриш ҳолатлари барҳам топмаган.

Меҳнатқашларга нархларни белгилаш соҳасидаги сиёсатни тушунтиришда изчиллик йўқ, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида касабани уюшмалари етарлича самарали иштирок этмапти.

Маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг барқарорлиқни, фуқаролар ва миллий тотувликни таъминлаш соҳасидаги сиёсий йўлининг тўғри эканлигини айтиб, шундай деди:

— Иқтисодий ислохот ўтказишнинг бешта принципини жорий этиш ва уларни чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш шакл ва усуллари ни сифат жиҳатидан яхшилаш, эркин нархлар бўйича касабани уюшмалари

фаоллари билан бўлган учрашувда баён этилган янги ёндошувларни қўллаб-қувватлаймиз. Уларни ҳаётга тadbир этишда касабани уюшмаларидаги мавжуд иш шакллари ва усуллари билан ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёрмиз.

Маърузачи тармоқ меҳнатқашлари учун ижтимоий ҳимояга доир қилинаётган бир қатор ишларни тилга олиб ўтди. Жумладан, Марказий кўмита «Ўзбекмебель» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси, давлат ўрмон кўмитаси ва Ўзбекистон ёғочсозлик қурилиши саноати бош бошқармаси маъмуриятлари билан тузилган битимнинг рўёбга чиқаётганлиги сабабли тармоқ корхоналарида меҳнат интизоми мустаҳкамланиб, иш унуми ошиб бораёпти. Ёппасига ишдан бўшатишлар бўлмапти. Меҳнат ва уруш фахрийларига, ногиронларга, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдамлар берилаёпти.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққан Қорақалпоқистон ўрмон хўжаликлари касабани уюшмаси кўмиталари раислари кенгашининг раиси С. А. Сариева орол бўйи меҳнатқашларининг қийин экологик ҳалокат минтақасида яшаётганлигини айтди. Минтақада ичимлик сув йўқ, ойлик маошлар кам. Ўрмончилик соҳасида касбига мос бўлмаган тасодифий кишилар ишлаётдилар. Орол денгизининг қуриётганлиги ўрмончиликка ҳам жиддий зарар етказмоқда. Янгидан-янги ўрмонзорларни бунёд этиш ишлари самарасиз бўляпти. Лекин ўрмон ходимларини ижтимоий муҳофаза этиш жуда ҳам зарур, деди у.

Мажлис катнашчилари «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси

директори Т. Т. Назаровнинг сўзини кизгин кутиб олдилар. У корхонада ишчиларни ижтимоий ҳимояси яхши йўлга қўйилганлигини айтди. Бирлашмада минг киши ишлайди. Улар ҳар ойда 800 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришмоқдалар. Ҳозирда ҳар бир ишчининг ўртача маоши салкам 40 минг сўмни ташкил этади. Ҳар бир кишига кунига 250 сўмдан овқат пули берилаёпти. Меҳнат таътили 24 кун қилиб қатъий белгилаб олинди. Корхонада ишчилар таъминоти бўлими ташкил этилди.

Мажлисида ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашган Ўзбекистон қоғоз ишлаб чиқариш бирлашмаси касабани уюшмаси кўмитаси раиси З. Ф. Яцененко, «Тошкент» ёғочсозлик бирлашмаси касабани уюшмаси кўмитаси раиси С. М. Гарипова, Бурчмулла ўрмон хўжалиги директори А. А. Абдуҷамилов, Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси раиси А. А. Хоназаров, Ўзбекистон ёғочсозлик қурилиши саноати бош бошқармаси бошлиғи К. Ҳ Маҳаммадалиевлар касабани уюшмаси кўмиталари иқтисодий ислохотни ўтказишда Президент томонидан олға сурилган янги ёндошувларни, кам таъминланган аҳоли табақалари манфаатини ижтимоий адолат принциплари асосида ҳимоялаш таъминлашга қаратилган тadbирларни маъқулладилар. Мулкчилик шаклини ўзгартиришга, унга тўла иқтисодий эркиндик беришга қаратилган тadbирлар ишлаб чиқишини ёқладилар.

Мажлис қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Унда Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Т. Ҳ. Собитов иштирок этди.

Тоқивой ALIMOV,
«Ишонч» мухбири.

ХАРИД ҚИЛИШ
ҚОБИЛИЯТИМИЗ
ОШМОҚДАМИ?

КАСАБА уюшмаси ташкилотларига келаятган хатларнинг бир қисмида нарх-наволарнинг ошиши натижасида халқ турмуши даражасининг пасайиб бораётганлигини нолиш ҳоллари сезилиб турибди. Бир қарашда хат муаллифларининг гапида жон бордек туюлади. Ҳақиқатдан ҳам олдинги йилларга нисбатан нарх-наволар анча юқорилаб кетди. Маҳсулотлар танқислиги сезилиб турибди. Қўшни мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолганлиги, пулнинг қадрсизланиши, нархларнинг эркинлашуви каби биз кутмаган ҳолатлар иқтисодий ҳаётни анча оғирлаштириб юборди.

Республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги қийинчиликларни юмшатиш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоялаш юзасидан барча чораларни кўрмоқдалар. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Президентимиз белгилаган бешта тамойилидан бири кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш эканлиги аниқ белгилаб қўйилди. Шу асосда бозор иқтисодиётининг кўнгилсиз оқибатларини бартараф этиш юзасидан муҳим тадбирлар кўрилмоқда.

Иш ҳақининг ислоҳ этилиши аҳоли турмуш даражасини маълум даражада кўтармоқда. Меҳнатга ҳақ тўлашда ягона тариф жадвалининг жорий этилиши билан ишловчиларнинг пул даромадлари, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ошди. Бугунги кунда энг кам иш ҳақи 11250 сўмни, энг кам пенсия миқдори 12185 сўмни ташкил этапти. Бу МДХ мамалкатларидаги нисбатан анча юқоридир.

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши мутахассислари Тошкент бозорини айланиб, ҳозирги нарх-наволарни ўтган йилнинг май ойидаги нарх-наволарга қиёслаб чиқдилар. Шу давр ичида кўпгина маҳсулотларнинг нархлари ўртача иш ҳақи ва пенсиялар миқдорининг ўсишидан бирмунча паст эканлиги маълум бўлди. Бу ҳолат одамларнинг реал харид қилиш қобилиятини оширяпти.

(Жадвалларга қаранг).

Тошкент шаҳрининг Олой бозоридаги 1992 йил май ва 1993 йил август ойларидаги нархлар, энг кам ва ўртача иш ҳақи, уларнинг харид қилиш қобилиятининг ТАХЛИЛИ

1992 йил МАЙ						1993 йил АВГУСТ						
Энг кам иш ҳақи сўм	Ўртача иш ҳақи сўм	Маҳсулотлар	Нархлар 1 кг-га сўм	Харид қилиш қобилияти		Энг кам иш ҳақи сўм	Ўртача иш ҳақи сўм	Нархлар 1 кг-га сўм	Харид қилиш қобилияти		Энг кам ойлик — кам + кўп	Ўртача ойлик + кўп — кам
				Энг кам иш ҳақи кг.	Ўртача иш ҳақи кг.				Энг кам иш ҳақи сўм	Ўртача иш ҳақи сўм		
550	1685	Мол гўшти	65	8,4	26	11250	39500*	1200	9,3	32,9	+0,9	+6,9
		(кооп)	90	6,1	18,4			2000	6,6	19,7	-0,5	+1,3
		(шахсий)	20	27,5	84			200	56	197	+28,5	+113
		Картошка	8	68,7	210			200	56	197	-12,7	-13
		Пиёз	10	55	168			150	75	263	+20	+95
		Сабзӣ	7	78	240			200	56	197	-22	-47
		Карам	1,0	550	1685			30	375	1316	-175	-369
		Кўкат (боғ)	6	91	280			120	93,7	329	+2,7	+49
		Саримсоқ (боғ)	25	22	67			150	75	263	+53	+96
		Памилдори	20	27	84			350	32	112	+5	+28
		Бодиринг	7	78	240			150	75	263	-3	+23
		Лавла г	80	8,8	21			1500	7,5	26	-0,5	+5
		Қаймоғ (смет.)	30	18,3	56			600	18,7	65	+0,4	+9
		Творог (сузма)	2,5	222	674			40	281	987	+59	+313
		Тухум (дона)	7	78	240			50	225	790	+147	+550
Оби нон	120	4,5	14	1500	7,5	26	+3,0	+12				
Товук	50	11	33	280	40	141	+29	+108				
Гуруч												

Тошкент шаҳрининг Олой бозоридаги 1992 йил май ва 1993 йил август ойларидаги нархлар, энг кам ва ўртача пенсия, уларнинг харид қилиш қобилиятининг ТАХЛИЛИ

МАЙ 1992 й.						10 АВГУСТ 1993 й.						
Энг кам пенсия сўм	Ўртача пенсия сўм	Маҳсулотлар	Нархлар 1 кг-га сўм	Харид қилиш қобилияти		Энг кам пенсия сўм	Ўртача пенсия сўм	Нархлар 1 кг-га сўм	Харид қилиш қобилияти		Энг кам пенсия — кам + кўп	Ўртача пенсия + кўп — кам
				Энг кам пенсия кг.	Ўртача пенсия кг.				Энг кам пенсия кг.	Ўртача пенсия кг.		
550	636	Мол гўшти	65	8,4	9,8	12185	18110	1200	10,1	15	+1,7	+5,2
		(кооп)	90	6,1	7,0			2000	6,0	9	-0,1	+2,0
		(шахс)	20	27,5	32,0			200	60,9	90	+33,4	+58
		Картошка	8	68,7	80			200	60,9	90	-7,8	+10
		Пиёз	10	55	63,6			150	81	120	+26	+56,4
		Сабзӣ	7	78	90,8			200	60,9	90	-17,1	-0,8
		Карам	1,0	550	636			30	406	603	-144	-33
		Кўкат (боғ)	6	91	106			120	101,5	150	+10,5	+44
		Саримсоқ (боғ)	25	22	25,4			150	81	120	+59	+94,6
		Памилдори	20	27	32,0			350	34	52	+7	+30
		Бодиринг	7	78	90,8			150	81	120	+3	+29,2
		Лавла г	80	8,8	7,9			1500	8	12	+1,2	+4,1
		Қаймоғ (смет.)	30	18,3	21,2			600	20,3	30	+2,0	+8,8
		Творог (сузма)	2,5	222	254			40	304,6	452	+82,6	+98
		Тухум (дона)	7	78	90,8			50	244	362	+166	+271,2
Оби нон	120	4,5	5,3	1500	8	12	+3,5	+6,7				
Товук	50	11	12,7	280	43,5	65	+32,5	+52,3				
Гуруч												

- 1992 йилнинг май ойида ўртача пенсия миқдори энг кам пенсия миқдоридан 15,6% кўп бўлган.
- 1993 йилнинг август ойида ўртача пенсия миқдори энг кам пенсия миқдоридан 46,6% кўп.

УМИДСИЗЛАРНИ ГАНГИТИБ ДАВОЛАЙДИЛАР

ЎЗБЕКИСТОН: ЛАРЗАЛАРСИЗ ИСЛОХОТЛАР ҚИЛИШ МУМКИНИМИ?

БИЗ у билан Салтиковкада, Хамдўстлик мамалкатлари касаба уюшмалари ходимлари кенгашида танишдик. Танаффуларда ҳам яна ўша «огрикди» мавзулар хўжалик юртишнинг янги «излари»га ўтиш шароитида ёлланган ходимларни иқтисодий бетартибликдан қандай ҳимоя қилиш ҳақида кўпчилик бахslashларди. Агар МДХ давлатларидаги касаба уюшмалари баравар ўз ҳукуматларига «тазйик ўтказса» бугунги муаммоларнинг аксарияти ҳал бўларди, дейишарди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини Қудратилла Рафиқов эҳтиросли нотикларнинг сўзларини бўлмайд эшитса-да, лекин юзидан барча фикрларга қўшилмаётгани кўришиб турарди.

— Чамаси, Қудратилла Мирсоатович, сиз касаба уюшмалари раҳбарлари кенгашида сўзга чиққанларнинг ҳамма фикрларига ҳам қўшилмасангиз керак. Бунинг сабаби нимада?

— Мен касаба уюшмалари у ё бу республика ёхуд минтақадаги реал вазиятдан келиб чиқиб, ўз иш усуллари ва усулларини танлаб олишлари керак, деб ҳисоблайман. Ўзбекистонда бизнинг иш тажрибамиздан кўриндики, тарафқашлик, бир-бирига қарама-қарши туриш билан ижтимоий муаммолар ҳал қилинмас экан. Аввало биз раҳбарлар билан амалий ҳамкорликда ҳаракат қилишимиз керак.

— Лекин, амалий шериклик, ҳамкорлик ва келишмовчилик ўртасида чегара шартли бўлмас-да, жуда яқин, сиз бунга қўшилмасизми?

— Кечирасиз-у, қўшила олмайман. Сизнинг аниқ мисоллар билан ишонтиришга ҳаракат қиламан. Яқинда Тошкентда Президент И. Қаримовнинг касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувида республикада ижтимоий-иқтисодий аҳволга жаъоб берувчи вазирликлар ҳам қатнашди. Ислом Аб-

дуғаниевич яқин истикболга ҳукумат мўлжаллаган дастурни батафсил баён қилиб, Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этиб берди.

Касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллар ўз навбатида аҳолининг кам таъминланган қатламлари ҳаётини яхшилашга қаратилган бир қатор таклифларни билдирди. Давлатнинг қийин аҳволда қолганларга ёрдам кўрсатиш имкониятлари муҳокама қилинди. Натижада, биласизки, энг кам иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва кўп болали оилаларга ёрдам миқдорларини кўпайтириш тўғрисида фармон чиқарилди. Буни касаба уюшмаларининг ҳукумат билан «келишувчилиги» деб аташ мумкинми?

— Эҳтимол, мен Россияча фикрлаб, касаба уюшмаларига уларнинг ҳужумкорлик ишлари, ҳукумат олдида қўяётган талаблари даражаси ва биргаликдаги ҳаракати деб аталган ҳаракатлари микёсидан келиб чиқаётгандирман...

— Одамлар касаба уюшмаларини уларнинг раҳбарлари айтаётган сўзларига қараб эмас, одамларнинг турмуш даражасига қараб баҳолайдилар. Агар одамнинг ўртача ойлик маоши эллик минг сўмдан ортиқ бўлиб, ноннинг баҳоси 20 сўм, бир литр сут 10—15 сўм турса, у мушт ўқталиб юрдики? Бизда мухтожлар йўқ демокчи эмасман. Лекин одамлар ҳукумат, халқ ёппасига кашшоқлашганига йўл қўймаслик учун катта куч-ғайрат сарфлаётганлигини кўриб турганлари учун уни чин дилдан қўлаб-қувватламоқдалар.

— Хамдўстликдаги республикалар сингари сизларда ҳам иқтисодий ислохот амалга оширилмоқда. Бирок сизнинг гапларингизга қараганда, Ўзбекистонда қўш-

ниларниқига ўхшаш ишлаб чиқаришнинг бу ҳилдаги пасайиб кетиши, бу ҳилдаги ижтимоий кескинлик йўқ экан. Нима, сизларда «гангитиб даволаш» бўлмадики?

— Сиз Президент илгари сурган бешта қонда тўғрисида эшитгандирсиз, улар бозор муносабатларига огриксиз, аста-секин ўтишни таъминлай олади. Бу қондалардан энг биринчиси ва чамаси энг муҳими иқтисодиётнинг сиёсатдан устуңлиғидир. Бу нимани билдиради? Ҳукумат ислохотларни амалга оширар экан (бизда ҳукуматни президент бошқаради) биринчи қадамларданок бирон сиёсий мақсадларга эришни учун шубҳали иқтисодиёт тажрибалардан воз кечди. Шунинг учун республикадаги бутунлай янгиланиш дастури пухта ижтимоий йўналишга эга. Давлат озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар баҳосини тартибга солиб турибди. Давлат бюджетининг 40 фонздан ортиқроғи, яъни йилига қарийиб, 250 миллиард сўм озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга дотация сифатида кетмоқда. Республиканинг битта ўзига хос хусусияти бор: аҳолининг ярми — 18 ёшга етмаган болалардир. Бир ишловчи 4—5 кишини — оила аъзоларини боқали. Бундай шароитда инсон яшашини учун ниҳоятда зарур бўлган озик-овқат маҳсулотлари ва моллар нархларини эркин қўйиб юбориши мумкинми?

— Дўкон пештахталарида мол бўлса нархларини ушлаб туриш осон. Сиз бу муаммони қандай ҳал қила олдингиз? Мен билманки, илгари республикага донни ҳам, ёғни ҳам, қанд-шакарни ҳам ташиб келтиришарди.

— Ҳа, Ўзбекистон иқтисодиёти узок вақтгача пахта етиштириш туфайли бузилган эди. Ҳозир озик-овқат моллари билан бутунлай ўзини-ўзи таъминлашга эришни вазифаси қўйилган. Бу вазифа қатъият билан ҳал қилинмоқда. Меним-

ча ҳукуматнинг ҳар қайси онлага хоҳ у деҳқон ёки шаҳар аҳолиси бўлсин 25 соғихдан ер ажратиш тўғрисидаги қарори тўғри бўлган. Бизнинг иқлимда оилани сабзавот ва мевалар билан таъминлаш учун шу ернинг ўзи қифоя қилади. Бугун биз бу қарорнинг натижаларини бозор пештахталарида кўришимиз мумкин. Сабзавот ва меваларнинг нархи бизда айтайлик, Россия пойтахтидаги нисбатан анча арзон. Ваҳоланки, бизда картошка Москвадагидан ўн баравар қиммат бўлган вақтлар бўлган эди.

— Ниҳоят, сўнги савол, сиз республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини сифатида Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг боришини; хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш, бозор тузилмаларини вужудга келтириш суръатларини қандай баҳолаган бўлуз эдингиз?

— Мен ислохотларни суръатлари тўғрисида; уларнинг тез ёки сустлиги ҳақида гапирган бўлардим. Улар, менимча, реал турмуш шароитлари такозо қилаётган тарзда бормоқда. Ҳозир республикада олти мингдан ортиқ хусусий корхоналар, 360 хиссадорлик ва хўжалик ширкатлари, 1200 дан ортиқ ижара хўжаликлари, 15 мингга яқин кичик ва қўшма корхоналар бор. Бу жараёни сўнги равишда тезлаштиришнинг ҳожати йўқ. Чунки шундай қилинса сиз айтган «гангитиб даволаш» дегани бўлади. Гангитиб қўйиб йўли билан эса фақат умидсиз беморларни даволайдилар. Бизнинг республикамиз, бахтга яраша, бундай эмас.

Сухбатдош: Федор ЕМЧЕНКО. («Труд» газетасининг 11 август сонидан).



ПАХТА тозалаш заводини давлат хўжалигининг юраги деса бўлади. Эрта боҳордан бутун ёз давомида дехконнинг қалб кўри, кўз нури ва билак кучидан баҳра олиб, пайкалларни безайдиган сеҳргар оппок пахталар куз бошланиши билан карвон-карвон бўлиб шу ерга оқиб кела бошлайди. Шундай пайтда елкасига пахта ортган бундай оппок карвонлар юрак кон томиларига ўшаб кетади. Корхона ҳовлисига назар ташласангиз пахтакор меҳнатининг маҳсули осмонўпар салобатли хирмонларда янада яққолроқ кўзга ташланади.

Ҳозир корхона 15 минг тонна пахта қайта ишлаб бериш қувватига эга. Ўтган йили заводда хўжаликда етиштирилган 13,5 минг тоннадан зиёд кимматбаҳо саноат хом ашёси қайта ишланиб ҳамдўстлик мамлакатлари ва чет эллардаги қатор тўқимачилик корхоналарига жўнатилди. Бирон вагон тола сифатсиз деб топилди, корхонага қайтариб юборилгани ёки буюртмачиларнинг бироонтасидан қайта ишлаш жараёнида хом ашёнинг сифати бузилгани ҳақида рекламация-норозиллик хати келгани йўқ. Ана шунинг ўзи завод технологияси яхши ишлаётганлигининг далолатидир.

— Яқин икки-уч йилда корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини 25 минг тоннага етказишга тайёргарлик кўрилади. Бу, завод келгусида кўшни хўжаликлардан биронтаси билан пахта қайта ишлаб бериш бўйича шартнома туза олиш имкониятига эга бўлади, деган гапдир, — дейди бош муҳандис Умар Мирзаев, — айни пайтда заводимизда 187 киши ишляпти. Уларнинг кўпчилиги қатор йиллар давомида ишлаб чиқаришда синовдан ўтиб, етарли тажриба ва малака тўплаган кишилардир. Шу туфайли биз пахтакорларимиз меҳнатини юксак қадрлаган ҳолда қабул қилиб олинган хом ашёнинг сифатини бузмасдан, аксинча уни маромида қайта ишлаган ҳолда буюртмачиларга жўнатаймиз...

Корхона ишлаб чиқариш цехлари ва участкаларини кўздан кечирдик. Ҳамма жойда меҳнат маромида. Хар бир ишчи заммасидаги масъулиятни сезган ҳолда меҳнат қилаётган.

Айниқса, Қувват Асадов, Нормурод Эсонов, Рашид Шаропов, Абдусаттор

Алимов, Зайнаб Ҳасанова, Далил Жамолов, Халит Набиев, Галя Рамазнова, Ўрин Отакулов сингари сергайрат ишчилар ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришиб, корхона меҳнат жамоаси ютуғига салмоқли хисса қўшмоқдалар.

Эришилаётган ютуқларда онгли ва унумли меҳнат билан бир қаторда корхона ишлаб чиқариш технологиясига катта эътибор берилаётгани ҳам муҳим омил бўлаяпти. Пахта қуритиш цехи газлаштирилди. Тозалаш цехида деярли барча агрегатлар янги сифат алмаштирилди. Жорий йилда эса технология жараёнларини такомиллаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш режалашти-

да истиқомат қилувчилар ҳам хурсанд. Бу, ўз навбатида меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга ҳам ижобий таъсир кўрсатаётган. Ахир, соф ҳавода яйраб-йайраб меҳнат қилишга не етсин!

Бундан ярим аср муқаддам катта истиқболни кўзлаб бунёд этилган корхона бугун истиқбол билан юзлашиб турибди. Агар давлат хўжалигида ўтган йили етиштирилган ҳосил бошқа пахта тозалаш заводидан қайта ишланганда хўжалик 256 миллион 405 минг сўм даромад қиларди. Пахта қайта ишлаб, тола сотиш эвазига 321 миллион 830 минг сўм даромадга эришилди. Ана шу ҳисоб-

хўжалик меҳнатқашларига сотилаётган.

Истам Сувонов етакчилик қилаётган бу кичик корхонада 6 киши ишлайди. Цех меҳнат аҳли хар куни 300 килограмм чикитни қайта ишлаб 200 килограмм момик пахта тайёрлайдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, цехни технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш қимматга тушмади. Тозалаш цехидаги «умрини» яшаб, истеъмолдан чиқарилган механизмларга қайтадан «жон» киритилди.

Яқиндан бошлаб эса корхона қошида яна бир цех фаолият кўрсата бошлады. Бу ёғ цехидир. Цехда Адиз Эргашев бошлиқ 5 киши меҳнат қилади. Уларнинг самарали меҳнати эвазига ҳозирча кунига 3 тонна чигитдан 300 килограмм пахта ёғи олинмоқда. Маҳсул лабораторияда ёғ текшириб кўрилганда унинг сифати юқори баҳоланди. Эндиликда хўжалик меҳнатқашлари кейинги пайтларда анча тақчил бўлиб қолган ёғни ҳам арзон нархда оладиган бўлиши.

Маълумки, сўнгги пайларда дастурхоннинг энг азиз неъматини нон хом ашёси бўлган ун тақчиллашиб, унинг нархи кимматлашди. Дехконлар бундай тақчилликка барҳам бериш мақсадида ўз томоркаларида бугдой етиштиришаётган.

Бу яхши, албатта. Аммо бугдойни тортиб, унга айлантириш кўпчилик жойларда муаммо бўлиб-қолмоқда. Ота-боболаримиз фойдаланиб келган тегирмонларнинг аксарияти бузилиб кетган. «Нарпай»лик тadbиркор ва ташаббускор раҳбарлар халқ эҳтиёжини инobatга олиб пахта тозалаш заводи қошида тегирмон қурилишини бошлаб юборишдек яна бир эзгу ишни режалаштирмоқдалар.

...Она дёнимиз бўйлаб эсаётган мустақиллик шабадаларидан баҳра олаётган Навоий вилоятининг Навоий туманидаги «Нарпай» давлат хўжалиги ва унинг юраги ҳисобланган пахта тозалаш заводи меҳнат аҳли истиқлолдан қувониб, истиқболга юзлашиб, эртанги мунаввар кунларнинг умиди билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ИСТИҚБОЛ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

рилган. Шу мақсадда бир қатор пахта ортиш ва тушириш механизмларини, пахта узатиш агрегатларини янгилашга алмаштириш ҳамда сошлаш учун 23 миллион сўм маблағ ажратилган.

Бундан беш-олти йил муқаддам корхона атрофидаги, йўл ва йўлкалар четидаги дарахтларга боқсангиз улар шохига қор мисоли «ёққан» гард-ғуборларга кўзингиз тушарди. Айниқса, кўклам пайтлари чор-атроф ям-яшил либос кийганда бу ердаги дов-дарахтлар бемаврид ёғадиган «қор» исканжасидан чиқолмаслигини кўриб юрагингиз ачишарди. Эндиликда эса бундай «қор»ларнинг йўли тўсилди. Ҳозир корхона атрофи у ёқда турсин хатто, завод ҳовлисидаги дарахтларда ҳам чанг-ғуборлар деярли кўринмайди. Чанг тутувчи циклонлар тўқсон фоиз алмаштирилди. Илгариларига нисбатан бир неча баробар кўп чанг-ғуборларни тутиб қоладиган янги ва кўп қувватли циклонлар ўрнатилиб, корхона ҳовлисининг ҳавоси мўтадиллаштирилганидан завод ишчилари ҳам, унинг яқинидаги хонадонлар-

дан хўжаликка нақд 65 миллион сўмликдан зиёд соф фойда қолиши истиқболнинг қучоғини катта очгани эмасми?!

Бозор иқтисодиёти халқнинг яшаш шароитини яхшилашда, меҳнатқашларнинг фаровон турмуш кечиршини таъминлашда раҳбарлардан бу борада ҳам тadbиркор ва ишбилармон бўлишни тақозо этади. Ана шу жиҳатдан олиб қаралганда бошланган хайрли ишни ниҳоясига етказишда, ташаббускорлик ва ташкилотчилик бобидан пахта тозалаш заводи бош муҳандиси Умар Мирзаевнинг меҳнат фаолияти мактовга сазовордир.

Илгарилари тола ажратиш пайтида ҳосил бўлган чикит маҳсулотлар чорва озукаси сифатида фуқароларга жуда арзон нархда сотиб юбориларди. Эндиликда бунга чек қўйилди. Бундай чикитларни иккинчи марта қайта ишловчи цех ташкил этилди. Бу хилдаги маҳсулот чиқиндилардан тозаланиб, кўрпа-ёстиққа солинадиган момик пахта ҳолига келтирилмоқда ва давлат савдосидан анча арзон нархда

ГАЛЛАОРОЛ ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИДА

Совун тайёрлаш цехи

БИР йилда 40 миллион дона тухум, 450 тонна гўшт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу фабрикада паррандалар сонини 650 минг бошга, она товукларни 300 минг бошга етказиш учун кураш бормоқда. Бундан ташқари бу ерда қўшимча цехлар очиб, чет эл асбоб-ускуналарини ўрнатиш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Пар ёстиклар

Хар куни юзлаб товуклар пархез гўшт учун сўйилади. Гўшт-ку савдо дўконларига юборилади. Патларичи? Товук патларидан фойдаланиш мумкинми? Ҳа, фойдаланиш мумкин. Фабрика раҳбарияти товукларнинг патларидан парестиклар тайёрлашни йўлга қўйдилар ва шунга ихтисослашган цехни ишга туширдилар. Цехга Эргаш Норматов раҳбарлик қилапти. Бу кичик жамоа бир йилда уч мингтача парестиклар тайёрлаб енгил саноат таъминот бошқармасига етказиб бермоқда ва фабрика ишчиларига сотмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 500 та парестик тайёр бўлди. Парестикларни тикишда ва тайёрлашда Зойир Пардаев, Зебо Норматовларнинг хизматлари каттадир.

Оқсилга бой маҳсулот

Паррандаларни парваришлаш жараёнида ўлимга йўлиққан товукларни, синган тухумларни, сўйилган товукларнинг ичак-чавақларини, инкубациядан чиқмаган тухумларни чиқит қилмаслик йўли топилди. Қандай қилиб дейсизми? Уша чиқиндиларни қайта ишлайдиган цех иш бошлади. Аввало чиқиндилар бир жойга тўпланиб қуритилапти, сўнгра тегирмонда тортилиб, ун қилинапти. Мутахассисларнинг фикрича оқсилга бой бўлган бир килограмм чиқинди хом ашёнинг кучи уч килограмм емнинг қувватига эга экан. Чиқиндидан озукта тайёрловчи Абилкосим Омонов, Фарид Мухторовларнинг ғайрат кўрсатиб ишлашлари туфайли ҳозиргача 30 тонна ана шундай сифатли ва тўйимли ем тайёрланди Улар йил охиригача яна 90 тонна оқсилга бой ем тайёрлашмоқчи.

Фабрика бош инженери Бахтиёр Рустамов ўз касбининг билимдони, жамоанинг тadbиркор кишиларидан ҳисобланади. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли автогараж майдонида совун пишириш цехи барпо этилмоқда. Цехга керакли асбоб-ускуналар топиб келтириляпти. Совун пишириш цехи ишга тушгач бу ерда шампун тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади. Цех маҳсулотлари асосан фабрика ишчилари учун мўлжалланмоқда.


Германиядан келтирилган

Тажрибадан маълумки, товукларни сим катакларда боқиш яхши самара беради. Шу сабабдан Германиядан келтирилган асбоб-ускуналар сим тўр катаклар товукхоналарга тезкорлик билан ўрнатилди. Эндиликда хар бир товук ўз катагида яйраб ўсиш имконига эга. Мутахассислар қисқа вақт ичида 6 та товукхонага Германиядан келтирилган сим тўр катакларни ўрнатиб чиқишди. Уларда 200 мингтача яқин товуклар парвариш этилмоқда. Яратилган бу қўлайлик паррандалар маҳсулдорлигини оширишга имкон бермоқда. Фабрика инженер-техник ходимлари шу кунларда жўжа ўстириш цехига ҳам сим тўр катаклар ўрнатишни давом эттирмоқдалар.

Шу ерда тайёрланапти

Фабрика меҳнат аҳли яқин-яқингача «Поворотник» ва «Кормушка»ларни Россиядан олишарди. Ҳозир кўшни давлатлар билан иқтисодий алоқа тезкорлик билан ривожланаётган, нарх-наво кун сайин осмонга сапчиётган бир пайтда Россиядан битта «Поворотник» олиш учун ўн минг сўм сарфлаш керак. Аммо шу кимматчиликни, оғир иқтисодий шароитни ҳисобга олган инженер-техник ходимлар маслаҳатлашиб эски темир-терсақлардан «Поворотник» ва «Кормушка»лар ясашга киришдилар. Бу ишга Абилкосим Омонов бошчилик қилапти. Қиржигит Баратов, Муҳаммади Кўчимовларнинг куч-ғайратлари туфайли шу кунгача 250 та «Поворотник» ва «Кормушка»лар тайёрланди. Бу қўлбала асбобларнинг нархи 100 сўм атрофида бўлаяпти.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.



Қиш гамини ёз е, деган нақл бор элди. Талай боғларда бу йил мева сероб. Фақат бугунгина эмас, қиш фаслида ҳам улардан баҳраманд бўлиш ниятида ҳозирлик кўриш яхши ҳосият. Шу мақсадда Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Улуғбек номили боғдорчилик ишлаб чиқариш давлат хўжалигида иш қизгин. Суратда улардан бир гуруҳи — «Нафосат» ишлаб чиқариш цехи ишчилари У. Баҳодиров, А. Юсуповларни кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД суратга олган.



— Ҳосил Самадович, мамлакатимиз халқлари улкан тантана, мустақиллик байрамига тараддуд кўришяпти. Шу муносабат билан мустақиллик ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим.

Мустақиллик—бу маънавиятимиз, тарихимизнинг, мустақил Ватан, мустақил давлат тилимиз, қадриятимиз, маданиятимиз, минг йиллик урф-одатларимизнинг, динимиз, имонимиз ва этикодимизнинг қайтиб келиши деб тушунаман. Бу буюк алломаларимиз, бобокалонларимизнинг ўз ватанларига ва халқимизга қайтишлари, бу халқимизнинг асрлар оша орзу қилган мустақил Ўзбекистон давлатининг қайта дунёга келиши деб биламан.

Тангрига шукурлар бўлсинки, халқимиз, президентимиз Ислоҳ Каримовнинг сазой-ҳаракатлари натижасида тинчлик йўли билан бу асрий орзуга эришдик.

Мустақил Ўзбекистонни дунё таниди. Илгари бундай республика ва халқ борлигини хориждаги кўп мамлакатлар билмасди. 1974 йил иттифоқ тармоқ касаба уюшмаси делегацияси таркибда Францияга бориб қолдим, учрашувлардан бирида гап айланиб, менинг қайси миллатга мансублигим ва қаерданлигим билан учрашув қатнашчилари қизиқиб қолишди. Шунда мен иттифоқдаги 15 та тенг «хуқуқли» жумҳуриятларнинг бири бўлган Ўзбекистон Республикасиданлигим, миллатим ўзбек эканлигини айтдим, улар елка ксиб «билмас эканмиз, эшитмаганмиз»,—дея, ўзбек ҳам монголми, ўлкангиз қаерда жойлашган—деб саволга тутишди. Кейин мен халқимиз, республикамиз тарихи, Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент шаҳарлари, буюк аллома олимларимиз ҳақида сўзлаб бердим. Кўрдингизми, кўпчилик мамлакатлар фақат Совет Иттифокни ва рус халқини биларди, холос.

Мустақиллигимизнинг икки йиллик байрами арафасида энергетика ва электротехника саноати меҳнаткашлари республикамизда бўлаётган иқтисодий ислохотлар вақтинчалик кийинчиликларга дуч келаётганини тўғри тушуниб, бор имкониятлардан фойдаланиб, ўз иш жойларида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Мустақиллик ёш республикамиз, халқимиз олдида қатор муаммолар, кийинчиликларни кўндаланг қилиб қўйди. Булар ўткинчи бўлиб, сидқидилдан, бор билим-заковот билан ҳаракат қилинса барчаси албатта ўз ечимини топади.

— Айрим пайтларда «Мустақиллик бизга нима берди» деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Сиз бундай саволга қандай жавоб берган бўлар эдингиз?

— Америкаликларда бир ибора бор, «Она— Ватан менга нима берди» деб айтма, балки «Мен Она Ватанга нима бердим»,—деб айт. Менимча Республикаимизнинг ҳар бир фуқароси мустақиллик менга нима берди эмас, балки мен икки йилда Мустақил Ватанимни мустақамлашга, тараққиётга нима бердим, қандай ҳисса қўшдим, деб ўз-ўзига савол бериши керак. Ҳар бир иш жойида унумли, барақали иш ташкил қилиниб, жаҳон талабиди сифатли, чиройли маҳсулот чиқарилса, ўша ерда кўшимча фойда бўлади, корхонанинг ҳам, ишловчининг ҳам ҳамёни бойиб боради.

Бу эса корхона ва Она Ватанимизнинг тараққиётга, мустақиллигининг яна мустақамлашига, меҳнаткашларнинг барча иқтисодий-ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, турмуш даражасини кундан-кун юксалишига олиб келади.

Ҳадиси Каримда бу ҳақда шундай дейилган,—«Ишни пухта ва чиройли бажарувчи одамни Тангри дўст тутати». Шунинг учун ҳар биримиз ўз иш жойимизда бу сўзларга амал қилсак, мунтазам билим, малакаларимизни ошира бориб, чидам-матонат, юксак интизом

билан оқилона ишлашга ҳаракат қилсак, ҳозирги кундаги ўткинчи кийинчиликлар тезроқ орқада қолади. «Сендан ҳаракат— мендан барақат», «бошқаларнинг бахтини ўйлаб ишласанг, албатта ўз бахтингни ҳам топасан»,—деган нақлларни ота-боболаримиз, буюк алломаларимиз доимо бизга таъкидлаб келишган. Ҳаётда бу ибораларга амал қилсак, нур устига аъло нур бўлади.

Тармоқ касаба уюшма Марказий, вилоят, шаҳар кўмита ва кенгашларимиз, бошланғич ташкилотларимиз, хўжалик раҳбарлари, ҳокимиятлар билан бирга ҳар бир меҳнат жамоаларида меҳнаткашларнинг оғирини енгил қилишда, қонуний талаб ва истакларини бажаришда, ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда, тинч-тотувлик, тушунтириш йўли билан, корхонанинг ички имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда барча муаммоларни тўла-тўқис ҳал қилиш борасида бундан буён ҳам ҳаракатда бўладилар.

Алломалардан бири (Б. Шоу)— «Иш қилишдан тўхтаб қолмасанг— яшайдан тўхтамаймиз»— деган экан.

ИСТИҚЛОЛГА ЭРИШИШ — ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ДЕГАНИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллик байрами кун сайин яқинлашмоқда. Барча касаба уюшмалари тармоқлари ходимлари каби Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электротехника саноати ходимлари касаба уюшмаси ҳам халқимиз ҳаётидаги бу муҳим санани ёруғ юз билан қутиб олишга тараддуд кўришмоқда. Мазкур тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Ҳосил Самадов билан жамоатчи муҳбиримиз А. Фозиловнинг суҳбати ҳам истиқлол шарофати, моҳияти ва касаба уюшмаларининг долзарб вазифалари хусусида борди.

— Республикаимиз Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва тармоқ касаба уюшмалари вакиллари билан республикада ислохотлар ўтказилаётган шароитда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш масаласи бўйича ўтказган кенгашида Сиз ҳам иштирок этдингиз. Учрашувдан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Президентимиз республикада ижтимоий муҳофаза бўйича ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган амалий ишлар ва тадбирлар, аҳолини ва меҳнаткашларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялашни янада яхшилаш борасида кўрилаётган чоралар, республикамизнинг барча тармоқ ва соҳаларини тараққий эттиришнинг навбатдаги вазифалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Шу билан бирга республика касаба уюшмаларининг ҳозирги бозор иқтисодиётга ўтиш шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борулаётган ишларга қониқиб ва миннатдорчилик билдириб, бундан буён ҳам касаба уюшмаларининг барча бўғинлари ўз фаолиятларини янада яхшилашларига ишонч ва умид билдирди.

Бу Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашидан тартиб барча тармоқ ва ҳудуд кенгашлари, бошланғич ташкилотларга ҳам бўлган юксак ишончдир. Бу ишонч барча касаба уюшма ходимлари ва фаолларини яна ҳам самарали меҳнат қилишга ундайди.

Президент томонидан республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш бўйича олға сурган асосий принциплари ҳамда иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштиришга, иқтисодиёт тузилмасини қайта қуриш шакллари, мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, иш ҳақи ва ижтимоий ёрдам, иш билан таъминлаш тизимини ислоҳ этишга қаратилган кўрсатмалари, тавсиялари, касаба уюшмалари фаолиятида муҳим дастурил амал бўлиб қолади.

Ҳар бир касаба уюшма ташкилотлари Президентимизнинг кўрсатмаларидан ҳулоса чиқариб, республикамизда ислохот қандай бораётганлигини яна ҳам чуқурроқ идрок этиб, зиммадаги вазифаларни ҳис этган ҳолда, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш юзасидан

олдимизда турган муаммоларнинг ечимини тезроқ топишга ҳаракат қилишимиз лозим. Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида республикада ислохотлар ўтказилаётган шароитда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги масала ҳар томонлама муҳокама қилиниб, тегишли режа ва қарор қабул қилинди. Бу борада тармоқ касаба уюшмамизнинг аниқ режалари ишлаб чиқилди, яқинда уларни Пленумда тасдиқлаб олдик. Бу режаларни бажаришда касаба уюшма кўмиталари вилоят, шаҳар кенгашлари билан, зарур бўлса жойлардаги ҳокимиятлар билан бирга ҳар қандай масалаларни кўриб, ўрганиб чиқиб биргаликда ечимини топса бўлади. Бунинг учун ҳамжихатликда меҳнат қилиш керак.

— Президентимиз касаба уюшмалари вакиллари билан учрашувда меҳнат унумдорлиги масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Меҳнатга янгича муносабатларни шакл-

ландиришда ишлаб чиқариш технологияси ва меҳнат интизоми муҳим аҳамиятга эга. Тармоқ корхоналари ва ташкилотларида интизомни мустаҳкамлаш бўйича касаба уюшмалари қандай ишларни амалга ошираётдилар?

— Ҳақиқатан ҳам интизом масаласи жуда долзарб мавзу. Халқимизда—«Сўз боши ассалом, иш боши интизом»,—деган нақл бор. Биз ўз ишимизда шу нарсага алоҳида эътибор берамиз. Кўпчилик корхоналаримиз интизомга, тартиб-қоидаларга риоя қилаётганликлари учун муваффақиятларга эришяптилар.

Аммо, шולי курмаксиз бўлмаганидек, айрим корхоналаримизда меҳнат, технологик интизомлар, тўғри, хавфсиз иш юритиш қоидаларининг айрим ходимлар томонидан бузилиши оқибатида турли кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда. Бу эса жамоанинг мўътадил, сифатли, беҳатар, унумли ишлашига салбий таъсир қилмоқда. Содир бўлаётган интизомсизлик натижасида маълум муддатга ускуналар ишдан чиқмоқда, шикастланмоқда, ходимлар орасида бахтсиз ҳодисаларга олиб келмоқда. Буларнинг барчаси кўлаб ишчи вақтлари йўқолишига, кўшимча маблағ харжлашга, охир-оқибатда ишчи-хизматчиларнинг саломатлигига путур етмоқда.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун ўтган йили Марказий Кўмитамизнинг мажлисида тармоқ меҳнаткашлари ўртасида интизомни янада яхшилаш чора-тадбирларини энергетика вазирлиги ва Марказий Кўмитамиз томонидан ишлаб чиқини сўралган эди.

Шунга кўра кўмитамиз вазирлик билан бирга «Интизомий жазолар» жадвалини ишлаб чиқиб, 1993—95 йилларга тузилган битимга илова қилди. Унда қандай ҳолатларда интизомий жазолар берилиши аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

Бу ҳужжат интизомсиз, лоқайд, жамоа мулкни талон-тароқ қилувчи кишиларни тартибга қакради, меҳнат жамоаларида интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Шу ўринда бирорта мисол келтира оласизми?

— Марҳамат. Агар ишчи ёки ходим ишга бир соат сабабсиз кечкиб келса биринчи гал танбёх берилиб, ойлик мукофотининг 20 фонзидан маҳрум этилади. Шундай ҳол иккинчи марта такрорланса,

хайфсан эълон қилиниб, ойлик мукофотининг 30 фоизи қисқартирилади. Учинчи галда эса хайфсан эълон қилиниб, мукофотнинг 50 фоизидан маҳрум этилади. Бу жазолар қор қилмай тўртинчи марта ҳам ишга кечкиб келса, 3 ойга кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилиб, ойлик мукофотдан маҳрум бўлади, йиллик мукофотнинг эса 50 фоизи қисқартирилади. Бешинчи гал у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади, яъни ишдан бўшатилади.

Агар ишчи ёки ходим сўроқсиз ишдан бир соат олдин кетиб қолса, бу ҳолда жазо чоралари яна ҳам қучаяди. Тартиб бузиш уч марта такрорланса, у ишдан бўшатилади.

Кўшимча даромад олиш максатида иш пайтида корхонага қарашли ускуна ва механизмлардан фойдаланган киши эса ўша кунгидан ишдан бўшатилади. Ишга ичиб келган ёки иш жойида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик қилган кишиларга ҳам ўша кунгидан бўйруқ билан шундай чора қўрилади. Иш жойини ва ускуналарни қоникарсиз санитария ҳолатида сақлаганларга биринчи гал хайфсан берилиб, мукофотнинг 50 фоизи қисқартирилади.

Иккинчи гал эса қаттиқ хайфсан эълон қилиниб, мукофотдан тўла маҳрум этилади. Интизомий жазолар жадвалида шунга ўхшаш 30 хил хатти-ҳаракатлар учун бериладиган чоралар ёзилган.

Бундай интизомий чораларни Тошкент, Янги-Ангрен ГРЭСлари, Бухоро, Наманган ва Тошкент электр тармоқлари ва бошқа ташкилотларимиз жамоа шартномаларига илова этиб, унга амал қилмоқдалар. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, кўпчилик корхоналарга мутахассислар танлаб қабул қилинаётган бир пайтда бундай чора-тадбирлар интизомни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Сизга маълумки, энергетика соҳаси ўта масъул тармоқлардан ҳисобланади. Чунки бугунги кунда электр қуввати кириб бормаган биронта соҳа, корхона, ташкилот ва хонадон йўқ. Буни тушунган Ўзбекистон нурчиларининг асосий вазифалари халқ хўжалигининг барча истеъмолчиларига узлуксиз сифатли электр қуввати, буғ ва иссиқлик етказиб беришдан иборат бўлиб, бу шарафли вазифани бажариш учун улар кечаю кундуз тинмай меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ўз бурчларини тўғри ва хавфсиз бажаришлари, иш юритишнинг қонун-қоидаларини, услубларини мукаммал эгаллаган бўлишлари, иш жараёнида сезгирлик билан, уларга амал қилишлари, биронта ҳам хато, камчиликка, лоқайдликка йўл қўймайликлар лозимдир. Буларга электр қувватини, катта босим остида ишлайдиган қозонлар, турбина ва генератор блоклари, компрессор қурилмалари ва бошқалар қиради. Электр ускуналари ва қурилмаларида қувватини бор-йўқлигини олдий кўз билан кўриб, аниқлаб бўлмайд, чунки электр қувватини рангсиз, нурсиз, ҳидсиз мувозанат ҳолатда туриши ва бир қараганда хавфсиз туюлсада унга яқинлашиш ёки тегиш ўта хавфлидир. Қиска айтганда «тилсиз ёв», электр қувватини ҳатони кечирмайди, натижада ёмон кўнгилсиз оқибатларга олиб келади.

Шуни эътиборга олган ҳолда касаба уюшмамиз фаоллари ҳар бир иш жойида ишлаб чиқариш, технологик ва меҳнат интизомларига қатъий риоя қилиниши чораларини кўришяпти.

Республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз меҳнаткашларни бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий муҳофазалаш чораларини кўриши давлатнинг ижтимоий сийёсат соҳасидаги бош вазифаси деб билмоқда. Тармоғимиз касаба уюшмалари ходимлари бу сийёсатни тўла-тўқис амалга ошириши биринчи галдаги масъулиятлари деб билншмоқда.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат!



АХБОРОТЛАР

«МАКТАБГА ота-оналар мажлиси-га отланаётиб, кўчаллик кийимни кўрагига тақилган олтин юлдузими олиб кўйгим келмади. Кўшим кўриб, «Вой, Савринисо опа, сиз энди «Қахрамон она» эмассиз»,— деди.

— Йўғ-е, кўшнижон, — аввалига галати бўлиб кетдим, кейин ўзимни хиёл тутиб олдим, — шукр, ўнта фарзандим яхши ўқиб, яхши ишлаб юришибди. Мен барибир «Қахрамон она» ман, — дедим.

Мажлисида ўқитувчи ҳалиги кўшнимнинг якка-ю ягона ўглини «эрка, тантик, дангаса деб роса танкид қилди. Менинг болаларимни эса мактади.

Қаранг-ки, яқинда синглим Кумринисо ҳам ўнинчи фарзандига она бўлди. Табриклагани борсам, «Опа, олдинги даврлар бўлса-ку мен ҳам «Қах-

Шу йилнинг март ойида «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Фармонда айтилишича, бу орден оналик ва болаликни муҳофаза қилишдаги, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлашдаги алоҳида хизматлари учун берилди. Ҳа, гарчи хали ҳеч ким мукофотланган бўлмаса-да, бу орденнинг ҳам ўз ўрни, аҳамияти ниҳоятда катта. Бу ҳақда матбуотда жуда кўп таъкидлашмиз. Лекин бизнингча бу орден биринчи навбатда оналарга ва яна оналарга берилиши керак. Ўн нафарини кўя турингу уч-тўрт фарзандни вояга етказишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Уларни оқ ювиб, оқ тараб, уйлик-жойлик, касбу корлик қилиб, яна набираларни ҳам тарбиялашга ҳисса қўшаётган минглаб фидойи оналар учун айтиш қандай имтиёз бор. Яна у оналар жа-

ҳар кун оловли тандир ичига кириб чиқиб, уларга нон ёпиб, болаларингиз ухлаганда эса кўз нурунгни тўкиб кийим-кечаклар тикаверасиз. Мактабга боришганда эса уларга кўшилиб ҳисоб ечасиз, шеър ёдлайсиз. Эртаниндин бўй етиб қолади, деб ўғил-қизингизнинг сепи, тўйи, энг муҳими тақдир ташвишини еяверасиз. Тўғри, бу кийин ва узок йўлларда оталар ҳам четда турмайдилар, лекин барибир ҳеч ким фарзанди учун оначалик ўртанадими, ёнадими? Йўқ. Мана шунинг ўзи улуг қахрамонликдир.

Афсусланарли жойи шундаки, Савринисо опа каби фидойи «Қахрамон она»лар учун аввал ҳам айтишга арзигулик имтиёзлар бўлмаган. Ҳозир ҳам йўқ. Озми-кўпми суюнчи пули-ю болаларига нафақа, ишласа эллик ёшдан пенсияга чиқиб. Тамом, вассалом. Хўш, ҳозир-чи?!

Эҳ, қани энди, беш-ўн нафар фарзанди бор оналарга бир йилда бир марта республикамиздаги энг яхши санаторийларга ҳеч қандай оврагарчиликларсиз бепул йўлланма берилса. Қани энди, ўша оналарга Болгария республикасидагидек (у ерда уч фарзанди бор она қахрамон ҳисобланади. С. М.) бир ойда бир марта театрларнинг янги спектакллари, энг яхши кинофильмларга маҳалла кўмиталари томонидан бепул чипта берилса. Қани энди бола-чакасига, уй ишига, хизматига ўралашиб, онда сондагина кўчага чиққан ўша она транспортда бепул, беминнат юрса, поезд, самолётларга чипта оламан деб навбатларда қийналиб ётмаса. Қани энди ўнта фарзанд кўрган онага чиройли, шарафли унвон билан баробар эса қоладиган бирон совға-салом топширилса. Оналар эса оталар билан биргаликда маҳалла кўмитаси ёки туман ижтимоий таъминот идораси ходимлари, балким туман хотин-қизлар кўмитаси ходимлари ва кенг жамоатчилик олдида ўз фарзандларининг соғу саломатлиги, олоби, ўқиши ҳақида ҳар йили бир мартадан ҳисоб берин турсалар. Ана ўшанда балким она оналик масъулияти, шарафи янада ошиб, таълим-тарбия ишимиз юқори поғонага кўтарилармиди?

Албатта гап сонда эмас, сифатда. Лекин мен кўп болали оналарнинг фарзандлари соғлом, меҳнатсевар ва меҳр-оқибатли бўлиб улғайишганини жуда кўп кузатганман. Соғлиги кўтарса майли оналар қахрамон бўлаверсин, фақат биз уларни ўз вақтида рағбатлантириб, шону шараф айтишни унутиб қўймасак бўлгани.

Санъат МАХМУДОВА

ғи билан бажарилмоқда.

Аммо бозорга ташриф буюрувчилар талаби даражасига етиш учун кўпдан-кўп иш қилишимиз лозим. Шу мақсадда 2,5 минг квадрат метр сахнга эга бўлган «Эркин бозор» қураямиз. Қишлоқлардан келган деҳқонлар савдо қилиши учун кўшимча 100 ўрин ташкил қилдик.

Хуллас, ҳамма диққат-эътиборни деҳқон бозорини халқимиз тўкин-сочин ҳаётининг ҳақиқий кўзгусига айлантиришдек мақсадни амалга оширишга қаратамиз.

Мухбир шарҳи: Ҳақиқатан ҳам ўтган қисқа муддатда Тўрткўл деҳқон бозорини обод қилиш, кенгайтириш борасида анча ишлар қилинган. Бироқ йилдан-йилга ўснш, ривожланиш давом этиб боравериши табиий. Бугун Тўрткўл туманида салкам 150 минг аҳоли истиқомат қиладиган бўлса, яна 5—6 йилдан сўнг бу рақам 200—220 миנגа етади. Мамлакатимизда бозор сиёсати узил-кесил ғалаба қилиши мумкин. Уша пайтга бориб Тўрткўл деҳқон бозори талабга мувофиқ жавоб бермай қолиши шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам турмуш кўзгуси ҳисобланмиш бозорни кенгайтириш ёки бошқа ўринда камиде 7 гектар майдонни эгаллаган катта бозорни ташкил этишга ҳозирданок киришилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚАХРАМОН ОНАЛАРНИ УНУТМАЙЛИК

рамон она» унвони олиб, сизга ўхшаб фахрланиб юрардим», деб бироз ўқсингандек кўринди. Синглимга «Гап унвонда эмас, болаларинг, ўзинг омон бўл», деб далда бергандек бўлдим барибир инсон кўнгли нозик-да.

Хурматли таҳририят ходимлари, айтиш-чи, ҳозир ўн нафар ўғил-қизи бор оналарга қандай унвон берилади?

Ва биз учун эндиликда қандай имтиёзлар бор?

Самарқандлик она Савринисо Рахимованинг мактубига жавоб ёзмак гапнинг очиги осон эмасди. Бир эмас, ўн нафар фарзандининг ҳар бирини тўққиз ой кўксига кўтариб, кейин ач-

чик-аччик тўлғоқларини енгиб, тунлари ҳамма ухласа ҳам у бедор қолиб

гўдагига парвона бўлган, йўлга юрган боласи хиёл қоқилиб кетса, ё ногоҳ

иссиғи чиқса юраги узилиб-узилиб тушган, бир умр болам, дея тиниб-

тинчимаган онаизор учун мана шу биргина унвон ҳам анча-мунча далда эканини, бу нозик кўнглига бир оғиз кутлов, бир оғиз рағбату шараф қанчалар асқотишини сиз ҳам ҳис этиб тургандирсиз, албатта.

ХАЛҚИМИЗ «Минг қўшчига бир бошчи» деганларидек, Тўрткўл деҳқон бозорига Ражаббой Аевозов директор бўлиб келди-ю ишлар юришиб кетди. Аввало расталарни тартибга солиш, яроқсиз биноларни кўчириш ҳисобига бозор сахнини кенгайтириш имкони туғилди. Чунки 45 минг аҳоли истиқомат қиладиган, вилоятлараро катта гузар йўлнинг чорраҳасида жойлашган Тўрткўл шаҳри учун 1 гектардан сал ошиқ майдонни эгаллаган деҳқон бозори мутлақо талабга жавоб

моат ишида ҳам бир умр меҳнат қилиб, соғлигини йўқотган, бевакт қариб улгурган. Улар ақалли эллик ёшда, ҳатто эллик уч ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга эмаслар. Балким кўп болали оналар учун алоҳида унвон ва имтиёзлар таъсис этилар.

Биз Савринисо опанинг саволларини эслатиб, мутасадди идораларга телефон қилган эдик, улар «Бу масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўрилатгани» ҳақида айтишди. Умидли дунё, сабр таги сарик олтин.

Савринисо опа, сиз «Қахрамон она»лик юлдузингизни ифтихор ила тақиб юраверинг. Бу унвон билан аввал мукофотланганлар учун бу кутлуғ ном сақланиб қолинади. Ҳатто бу ҳақда Президентимиз фармони ҳам чиқди. Қолаверса, сизнинг, синглингиз Кумринисонинг ва бошқа оналарнинг ўн нафар фарзандингиз борлиги туганмас давлат, топилмас бахтдир. Оилангиз учун, энг муҳими юртимиз, республикамиз келажаги учун катта давлат, суянич тоғлари бўлар. Ажаб эмас, бири ўқитувчи бўлиб, юзлаб авлодга сабоқ берса, бири пахтакор ё боғбон бўлиб, далалар, боғларни яшнатса, яна бири нонвой ёки чевар, яна бири олим бўлиб, фанга янги саҳифа қўшса, яна бири... Сиз эса... Сиз эса шунча болангизнинг бешигини тебратиб-тебратиб, алла айтаверасиз,

чек қўйилди. Чайқовчиликка қатъий зарба бериш мақсадида 7 кишидан иборат назоратчилар гуруҳи изчил иш олиб бораётир.

Деҳқон бозорида биринчи марта радио-ахборот хизмати йўлга қўйилди. Нарх-наво янгилклари батафсил равишда ҳар соат сайин эълон қилиб борилади.

Тўрткўл бозорига қўшни Хоразм воҳаси туманларидан ташқари Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё вилоятларидан, ҳатто Тожикистон, Турк-

манистон мамлакатларидан ҳам меҳмонлар келишади. Уларга етарли шароит яратиб берилаяпти. Бозор атрофида истиқомат қилувчи хонадонларда ўзига ҳос карвонсаройлар вужудга келтирилиб, бир йўла 25—30 кишини юклари билан қабул қилиш имкони бор.

— Бундай ишларни амалга оширишда мўъжизгина жамоамизга туман ҳокимияти катта амалий ёрдам бераёпти, — дейди бозор директори Ражаббой Аевозов. — Натижада сотувчи ҳам, харидор ҳам ортди. Расталарда кўзни қувонтирадиган мева-чевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари илгариги йилларга нисбатан 2 ҳисса кўпайди. Шу боис бозор маъмурияти учун белгиланган молиявий режалар орти-

ДЕҲҚОН БОЗОРИ — ТУРМУШ ОЙНАСИ

бермасди. Қилинган саъй-ҳаракатлар тўғрисида бозор учун кўшимча ярим гектар майдон очилиб, резаворлар савдоси учун шийпон, икки қаватли аралаш моллар дўкони, ошхона, маший хизмат маркази қурилди. 500 квадрат метр майдонда гилам, палос, паррандалар билан савдо-сотик қилинадиган маҳсус расталар ташкил этилди.

Бозорда тозалikka риоя қилиш қаттиқ қўлга олинди. Канализация тармоқлари қайта қурилди. Барча раста, йўлкаларга кунига уч марта мунтазам сув сепиладиган бўлди.

Энг муҳими, савдо-сотикда тартиб-интизом мустаҳкамланди. Бозорга маҳсус уловдан ташқари бошқа транспорт воситаларининг киритилишига

ЯҚИНДА Фарғона вилоятининг Учкўприк, Кува туманларида, Қўқон шаҳрида фаолларнинг йигини бўлиб ўтди. Унда жамоа хўжалиги бошқарувининг раислари, депутатлари, ташкилот, муассаса ва корхона раҳбарлари, бошқарма бошлиқлари, ҳокимликлар ҳамда маҳалла вакиллари иштирок этишди.

Ушбу анжуманларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақирғи XII сессияси якунларидан, ундаги Президентимиз И. А. Каримовнинг нутқи ҳамда «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисо-ласидан келиб чиқиб, шаҳар ва туман фаоллари олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Фаоллар йигинида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Т. Собитов, касабаси уюшмалари вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М. Мўминов катнашди.

● ЯҚИНДАН буён Риштон туманидаги 5-ўрта мактаб муаллимлари «ўнта бўлса ўрни бошқа» мақолини тез-тез тилга оладиган бўлишди. Чунки ушбу мактабда ўқиб камол топган Иброҳимжон Қўзиёев яқинда ошқозон раки бўйича ўз илмий тадқиқотларига якун ясаб тиббиёт фанлари номзоди бўлди. У мактабдан чиққан ўнинчи олимдир.

Алхам ДАМИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

* * *

ОХУНБОБОЕВ номли жамоа хўжалиги касабаси уюшмаси бошланғич ташкилотларида ҳисобот мажлислари уюшқоклик билан бошланди. Айниқса 2-болалар боғчаси касабаси уюшмаси цех ташкилотига бўлиб ўтган мажлис ўзининг масалалага чуқур анализ қилган ҳолда ёндошиши билан алоҳида ажралиб турди. Цех ташкилоти раиси Дармонжон Жуманиёзов бозор иқтисодиётига ўтин шароитида болалар боғчасини нормал ва талаб даражасида ишлатиш, фарзандлар тарбияси билан боғлиқ масалаларга атрофлича тўхтади.

Музокараларда иштирок этган Қизларгул Ҳайтақова, Санамжон Исмоилова, Ўрозгул Матқаримова, Авазбика Аҳиетовалар ҳисобот даврида касабаси уюшмаси олиб борган ишларга юқори баҳо берди.

Жамоа хўжалигининг қолган гурупа ва цех бошланғич ташкилотлари ҳисобот мажлислари ҳам фаол ўтиб, келгуси аниқ режаларни белгилаб муҳим қарорлар қабул қилди.

Амударё туманининг бошқа хўжаликларида ҳам ана шундай ҳисобот мажлислари ўтаётди.

Максуд КЕНЖАЕВ,
Тоҳир ТўРАЕВ.

* * *

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Қашқадарё вилоят кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда кўмита раиси Э. Сувонов «Вилоят қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига оммавий маданий хизмат кўрсатиш ва уларни жисмоний тарбия ҳамда спорт машғулотларига жалб қилишнинг аҳволи ҳақида» маъруза қилди.

Мажлисте агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кўмитаси билан вилоят ширкат агросаноат уюшмаси, вилоят «Корақўл» ва «Сельхозтехника» ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда «Пахта савдо» худудий акционерлик бирлашмаси билан 1993 йил учун тузилган Битимларнинг биринчи ярим йиллик вазифалари муҳокама қилинди.

Шунингдек мажлисте Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунини амалда тадбиқ қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

М. КЕНҒОЕВ
«Ишонч» мухбири.



Саволларга Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Мастура Хожиматова жавоб беради.

Турмуш ўртоғим 1986 йилда вафот этган. 4 боламга нафақа оламан. Шу болаларимдан бири болаликдан ногирон. Ижтимоий таъминот ходимлари шу болангиз учун 1 та нафақа тўланади, дейишяпти. Шу тўғрими? Ешим 43 да. Ҳеч қаерда ишламайман. Ногирон боламга қараганим учун нафақа тўланадими?

У. САИДОВА,
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон тумани.

Амалдаги Қонунга асосан бир вақтнинг ўзида бир неча тур пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга уларнинг хоҳишига қараб битта тур пенсия тайинланиб тўланади. Сизга болаликдан ногирон

фарзандингизга ногиронлик пенсияси олишингиз мақсадга мувофиқдир, чунки бу пенсиянинг миқдори энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда тайинланади, Боқувчисини йўқотганлик пенсияси эса ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз онла аъзоси учун вафот этган шахснинг ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорда тайинланади. Бу тўғрида сизга ижтимоий таъминот ходимлари тўғри тушунтириш беришган.

1930 йилда туғилганман. Қўлимда 1950 йилдан буён ишлаганим тўғрисида меҳнат дафтарчам бор. Аммо 1941 йилда туғилган деб ҳужжат беришган. Узим саводсизман. Ешимни аниқлашда ёрдам берсангизлар.

Жўракул БОЙМУРОДОВ,
Қашқадарё вилояти,
Шаҳрисабз тумани.

Амалдаги қонунга биноан паспорт, туғилиш гувоҳномаси ёшни тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Агар ҳужжатларингизда (паспорт, ту-

хилганлик гувоҳномаси, никоҳни қайд қилиш гувоҳномаси, меҳнат дафтарчаси, ҳарбий билет, хўжалик дафтарчалари ва бошқа ҳужжатларда) зиддиятли ёзувлар кўрсатилган бўлса, ёшни аниқлаш масаласини ҳокимият ҳузуридаги ёшни аниқлаш комиссияси кўриб чиқиб, ҳал қилади. Бу масалада яшаб турган жойингиздаги ҳокимиятга мурожаат қилишингиз мумкин.

Мен сил касалликлари санаторийсида 10 йилдан буён газ оператор штатида ишлаб келмоқдаман. Асосий ишим туман газ тарқатадиган ташкилотидан балонли газ олиб келиб, тарқатиш. Газ ишлари билан ишлаш учун махсус шаходатномага эгаман. Иқтисодчимизнинг айтишича, мен ишлаётган штат учун маълумотим йўқлиги сабабли энг кам иш ҳақи 2500 қилиб белгиланган экан. Шу тўғрими?

Ғ. МАДАМОВ,
Наманган вилояти,
Поп тумани.

Сиз қайси штатда ишлаб қелаётган бўлсангиз

шу штатга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 декабрь 1992 йилги 590-сонли «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона таъриф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, разрядларга, коэффицент асосида берилиши керак.

Бу иш ҳақи 29 июнь 1993 йилги Республика Президенти фармони билан белгилаб қўйилган энг оз иш ҳақи 11250 сўмдан кам бўлмаслиги керак.

Штатдагилар сони қисқартирилганда касал ходимни ишдан бўшатиш мумкинми?

М. ҚАРИМОВА,
Қашқадарё вилояти,
Косон тумани.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунлари мажмуасининг 41-модда 1-пунктига асосан ходим вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган даврда, меҳнат таътилида бўлган даврда унинг штатлар сони қисқариши билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди. Агар ушбу тартиб бузилган тақдирда у меҳнат низомини кўрувчи ташкилот (касаба уюшмаси қўмитаси ёки суд) томонидан аввалги ишига тикла-

нади. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунлари мажмуасининг 244-моддаси.

Бу ҳол бир қанча оқибатларни келтириб чиқаради:

а) Ходимни аввалги лавозими бўйича иш билан таъминлаш;

б) Мажбурий прогул учун иш ҳақи тўлаш;

в) Ишдан бўшатишда айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарлиги масаласи ва бошқалар.

Ходимга штат қисқариши муносабати билан бериладиган нафақа олиш давридаги касаллик варақаси учун иш ҳақи бериладими? Ишдан бўшатиш нафақаси олиш муддати ўтгандан кейинги даврдаги касаллик варақаси учунчи?

М. АДҲАМОВА,
Тошкент шаҳри.

Ходимнинг ишдан бўшатиш билан нафақаси олиш давридаги касаллик варақаси билан иш ҳақи тўланмайди. Чунки ходимга бу давр учун иш ҳақи сифатида нафақа берилади.

Ишга жойлашиш даврида ўртача иш ҳақи тўланадиган икки ойлик муддат ва ишга жойла-

тириш биржа қарори билан иш ҳақи тўланадиган учинчи ой муддатидан кейинги касаллик варақасига «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги «Низом»нинг 3-моддасига асосан ходим ишдан бўшанганлиги сабабли иш ҳақи тўланмайди.

Улуғ Ватан урушининг I гуруҳ ногирониман. 1991 йил март ойидан буён ВТЭК ҳулосасига кўра автомашина олиш учун навбатда тураман. Аммо ҳанузгача дарак йўқ.

Х. ЖАЛОЛОВ,
Самарқанд вилояти,
Ургут тумани.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан автомашинанинг нархи ошиб кетганлиги ва бошқа республикадан келтирилиши қийинлашиб бораётганлиги сабабли, ҳозирча сизни автомашина билан таъминлашнинг имкони йўқ.

Турмуш ўртоғим билан ажралишганимга 14—15 йиллар бўлди. Уч нафар фарзандларимиз бор, 1976—1977—1979 йилларда туғилган. Шунча йиллардан буён Қораев Қурбоназардан бир тийин ҳам алимент олганим йўқ. Неча маротаба туман судига мурожаат қилдим, ҳеч қандай натижа бўлмади.

Д. МИРЗАЕВА,
Қашқадарё вилояти,
Шаҳрисабз тумани.

Фарзандларингиз тарбияси учун Қораев Қурбоназардан 14—15 йилдан буён нафақа олмаётганлигингиз тўғрисида туман суди ижобий ҳал қилма-

ётган бўлса, сиз нафақа олмаётганлигингиз тўғрисида вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишингизга маслаҳат берамиз.

Болаларга тўланадиган ойлик нафақа миқдори ошириладими?

Р. АРМОНОВ, П. СУЮНОВ,
Р. ЁЗДОНОВлар,
Самарқанд вилояти, Ургут тумани,
«XXIV Парт-съезд» жамоа
хўжалиги нафақа ҳисобчилари.

Ҳозирги пайтда Нафақа тўғрисидаги янги қонун лойиҳаси ишланиб, умумхалқ муҳокамасига тайёрлаб қўйилган. Уйлашмики, бу масала яқин орада ҳал қилинади.

Саҳифани котибият ва муҳбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифати, табиий ширинсуханлиги, самимияти, оташин воизлиги, ибодатда покизалиги, таълимоти унинг доврўғини оламга таратди. Мовароуннаҳрда XV асрда суфизмнинг янги оқими Нақшбандийлик юзага келди. Бу оқим кейинчалик йирик феодаллар ва реакциян руҳонийларнинг кучли куралига айланди.

Нақшбандийлик тарикатининг асосчилари — Нақшбанд дўстлари ва шогирдлари Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Ахрор Валийлар одамларнинг ахлоқий тарбиясига эътибор бердилар.

Муҳаммад ибн Бурхониддин ал Бухорий — Хожа Баҳоуддин Нақшбанд 1318 йили Бухоро яқинидаги ҳозирги Касри Орифон қишлоғида туғилди. У ёшлигидан ўқиб ва ёзишни ўрганиб олган, нақошлик ҳунарини эгаллаган эди.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Абдуҳалил Муҳаммад Боқир бинни Муҳаммад Алининг «Мақолати Нақшбандия», Саййид Шарифнинг «Тарихи Роқимий», Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳотул-унс», Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат», Шаҳобиддин бинни Амур Ҳамзанинг «Мақолати Амир Саййид Кулол», Салоҳиддин бинни Муборақ ал Бухорийнинг «Анисул-толибин ва ўдатус-соликни» каби асарларида маълумотлар берилган.

Кейинги вақтларда академик И. Муминов Хожа Баҳоуддин Нақшбандий ҳақида тадиқот ишларини олиб борган. У «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари» асарида Нақшбанд ўз сўфиялик таълимотиини Саъдий Шерозий, Юсув Ҳамадоний, Абдуҳалиқ Гиждувоний асарларидан нуғумли фойдаланиб, асосланиб яратди — деб таъкидлади.

Баҳоуддий Нақшбандий таълимотида ахлоқ ва ахлоқий тарбия энг асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Нақшбандийчилик тарикатида ахлоқий тарбия мусулмон бандаларининг Аллоҳ таоло ҳақ йўлига киритишга хизмат қилмоғи лозим. Баҳоуддиннинг ахлоқий ғояларини шаклланишида Бобо Самосий ва Мир Саййид Кулол, Абдуҳалиқ Гиждувоний каби пиридастгирлар катта ёрдам берганлар. Улар Баҳоуддинни бу дунё ва у дунёда руҳий, маънавий, илоҳий қадриятлари ва уларнинг моҳияти ҳақида дастлабки тушунчалар билан қуроллантирганлар. Натижанда Хожа Баҳоуддин инсон ёш ниҳоллигидан худода ҳам, эл-улусга ҳам хуш келадиган ишлар билан шуғулланиши зарур, дейилган ахлоқий тушунчага келади.

Баҳоуддин Нақшбанд ўз устози Абдуҳалиқ Гиждувоний томонидан ишлаб чиқилган 8 та «Нақшбандия» тарикатининг асосий ахлоқ шартлари қондасига яна учта қоида ишлаб, уни ўн биттага етказган.

Бир лаҳзанинг қудрати ҳақидаги бу воқеани бизга раҳматли Ойша аммам айтиб бергандилар. Аммамга эса онаси — менинг катта бувим сўзлаб қолдирган эканлар.

Ушанда 1901 йил бўлиб, аммам уч-тўрт ойлик чақалоқ пайти экан. Болалари ўлавериб, юрак олдидан кўйган опоқдадам билан катта бувим анчадан буён боқиб юрган биттагина

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ахлоқий ғоялари асосан аллоҳ таоло марҳаматига эришишдир. Бундай марҳаматга ҳар бир мўмин худого муҳаббат, ҳақиқатга чин ошиқлик орқалигина етишмоқлари мумкин. Бу йўлда барча машаққатларга, хору зорликларга сабр-матонат билан чидамоқ лозим бўлади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бир қатор устозлари, шу жумладан Мансур Халлож, Абу Халид Газзолий, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Ибн Арабий асарларининг ўрганиш орқали ўзининг ахлоқий ғояларини амалга ошира бошлаган.

«Фано-фил-л-лоҳ» — Аллоҳ ҳузурнда фано топиш назариясини яратган боғдолик Суфий-Олим Жунайид Боздодий ҳаққа етишишда бир неча босқич мавжудлигини ёзган эди:

Биринчи босқич — Мутафаккир

Баҳоуддин - Нақшбанднинг 675 йиллиги олдидан

АХЛОҚИЙ ТУШУНЧАЛАР

Ибн Арабий ўз асарларида Ҳақ-таолога етишишнинг манзиллари ва мақомлари ҳақида Ҳол илмини яратиб, унда ибратли ғоялар берган. Унинг таълим беришича, Ҳақ-таолога етишиш йўллари 19 мақом, 360 манзил ва қарвонсарой бор. Манзиллардан бири — Ишонч-этиқод; иккинчиси — сабр; учинчиси — итоат; тўртинчиси — шукр қилмоқдир. Шунингдек, Ибн Арабий ал-фирқ ва ал-зикр Аллоҳ каломи — (Қуръони Карим оятларини, шу билан боғлиқ азиз, авлиёларнинг қилмишларини ёд этиш).

Биринчи босқич шарият ҳукмларига амал қилиш (шариатда ҳар ишда ҳалоллик, поклик буюрилади, макруҳ-ҳаром ишлар маъна этилади) бунга барча мусулмонлар амал қилишлари зарур.

Иккинчи босқич — тариқат, асосан Сўфийлар йўлидир. Тасаввуфга кўра, покланишнинг турли босқичларидан ўтиб, ҳақиқатга етишиш йўллари турличадир. Исломот тарихида Қубравия, Нақшбандия, Сухравардия, Ясавия, Қодирия каби тариқатлар бор.

Сўнги босқич — ҳақиқат бўлиб, унга юксакликка нодир ва комил инсонларгина эришади. Ҳақиқат мақомда солиқ Аллоҳ-таоло васлига етишган ҳисобланади. Хожа Баҳоуддин табиятан оқ кўнглик одам эди. У ўздан ва атрофидagi ёлғон гапирувчилардан ҳазар қилади. Унинг ғояларидан келиб чиқиб, ахлоқлик одам ўз дилида доимо Аллоҳни ёд этиб, яшамоғи керак, де-

ган хулосага келаемиз. Дилида шайтоний ўйлар билан ашайдиган одам — иблис йўлига кирган ахлоқсиз одамлардир.

Сўз билан ишнинг бир бўлиши юксак ахлоқликдир. Бу Ҳақ-таолога етишишнинг муҳим омилдир. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд инсоннинг дилидаги ниятлари билан амалда қилаётган ишлари, ички ва ташқи дунёси орасида мутаносиблик, уйғунлик бўлишини талаб қиларди. Бунда ҳар бир одам илм-ҳолни эгаллаган бўлиши керак. Илми-ҳол руҳшунослик ва диний таълим тадиқотидан пайдо бўлган илмдир. Инсонни севиш, унинг тавба-тазарруқларини қабул қилиш, кечириб Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ахлоқий ғоялари марказида туради. Ҳар доим бой ва подшоьлардан камбағал меҳнатқашларнинг гуноҳларини сўраб олар эди.

Улар уч маротаба Маккаи-муд-

Хожа Баҳоуддиннинг ўзлари фуқаролар қатори ҳунармандчилик билан шуғулланардилар. Улар қалин ипақлик мато — кимхоб тўқиш билан тирикчилик қилардилар, шогирдларига ҳам ҳунар ўргатардилар. Бошқа кўпчилик сўфийлардан фарқли ўлароқ фақат валий, авлиё, намоз, дуо, ибодатлар билангина шуғулланмас, балки руҳни, кўнглини камол топтириш билан бирга ҳалол меҳнат билан шуғулланишни зарур деб ҳисоблардилар.

Нақшбандийлик тариқатида кибру ҳаво кескин қораланади. Улар ўзларининг айбларини сира яширмай, очик айтидилар, бу ҳам етмаганидай, бошқаларнинг ҳам айблари, гуноҳларини ўз зиммаларига оладилар. Бўлғуси валийлар нодир инсонларнинг суҳбатида бўлишга жуда катта эътибор берганлар. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўз асарларида ҳар бир валийни таърифлаганларида уларнинг замонасидаги улуғ зотларнинг суҳбатига қандай етишганиларини алоҳида таъкидлайдилар. Бинобарин азизлар суҳбатининг бир соати кўп йиллик мактаб, мадраса сабоғидан афзалдир. (Ҳадиси Шарифдан).

Бу оламда яхшилар билан дўст бўлиш, ёмонларни ҳам дўстга айлантириш одам одоби эканлигини Хожа Баҳоуддин яхши тушунар эдилар.

Шундай қилиб, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ахлоқий тарбия мақсадини Аллоҳ-таоло марҳаматига етишиш учун интилайётган мусулмон бандаларини тайёрлашдан иборат деб билганлар. Улуғ Хожа бу йўлда инсонни Худо таолонинг севиши, бу ҳақиқатни англаши, инсонни севиш, меҳнат ва касбни улуғлаш, ширинсуханлилик, камтарлик, меҳр-шафқат, тавба-тазаррулик, кечиримли бўлиш каби ахлоқ қондаларига амал қилмоқлари лозимлигини алоҳида ўқтирган эдилар. Улуғ шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг ахлоқий тарбиянинг асосий масалалари ҳақидаги юқоридаги ғоялари бизнинг кунимизда ҳам катта аҳамият касб этади.

Республикамизнинг мустақиллигини иқтисодий ва маънавий жиҳатдан янада мустаҳкамлашда меҳнатқашларнинг, шу жумладан ёшларимизнинг ахлоқий тарбияси муҳим аҳамиятга эгадир. Президентимиз И. А. Каримов айтганидек «Ўз ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис қилаётган ватанинг асл фарзандларини ахлоқий тарбиялаш ҳозирги долзарб масаладир». Ватан, ватандошлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик тарбияси энг аввало миллий қадриятларимизни кунт билан эгаллаш орқали амалга оширилади. Бу соҳада биз улуғ бобомиз Хожа Баҳоуддин Нақшбандийнинг ахлоқий тарбия ҳақидаги бой меросидан фойдаланмоғимиз зарурдир.

Ж. ҲАСАНБОВ,
Педагогика фанлари доктори.

БИР АВЛОДНИНГ ДОЯСИ...

эшитилаётган доғли ўртасига чопибдилар. Уғри эса пайтдан фойдаланиб уйга тезгина кириб, ёстиқ остига кўл чўзибди.

Шу лаҳза... Осмонни фалак қасирлаб, 1901 йилги Андижон эзилмаси бошланибди. Уй вайрон бўлиб, кулаб тушибди. Ота-она ва чақалоқ ҳовлининг ўртасида ногоҳ фалокатдан омон

қолганлари учун худого шукур келтиришибди. Зилзила тўхтаб, вайронлар қовланган вақтда уларнингга ҳалиги ўғрининг бир шериги келиб, бўлган воқеани опоқдадамга айтиб берибди. Вайрон уйнинг тупроғини тортиб қараша, ҳақиқатан ҳам бир кўли ёстиқ остида ўлиб ётган одамни кўришибди.

МИРЗО УЛУГБЕККА АТАБ

ЖИЗЗАХ вилояти ҳудудида ҳам Буюк аллома, юлдузлар жадвалининг асосчиси, саркарда ва соҳибқирон Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига тайёргарлик таъини бошлаб юборилди. Мактабларда, олий ўқув юртларида олим юбилей олдидан илмий амалий конференциялар бўлиб ўтмоқда. Навбатдаги конференция Жиззах туманидаги 18-сон ўрта мактабда бўлиб ўтди. Унда шу мактабда дарс ўтаган Жиззах вилоят педагогика институтининг 4-курс толиби А. Хожиев «Улуғбек бобомизнинг оламшумул ишлари» мавзусида маъруза қилди.

Конференция сўнгида педагогика институтининг кафедра mudiri А. Намозов, катта ўқитувчи Б. Хурозов, 18-мактаб директори Н. Пулатов, илмий бўлим mudiri У. Муталов ва билим кенгаши катнашчилари ўртасида кизгин суҳбатлар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Алибой Эргашев
«Ишонч» мухбири.



Алибой Эргашев «Ишонч» мухбири.

СУЗ САНЪАТИ — ФОЛЬКЛОРДА

МУСТАҚИЛЛИК куни олдидан Бахмал туманида маънавий қадриятларимизни хисобланмиш фольклор тўғрисида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Фольклоршунос олим Тўра Мирзаев шу мавзуда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар халқ озаки ижоди адабиётимиз ривожланишининг бош булоғи бўлганли-

гини, бу соҳада Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош, Исломот шoir, Амиркул Пулатов каби чинакам ижодкорлар етишиб чиққанлигини таъкидлади.

Илмий-амалий конференцияда фольклор сўз санъатининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлаётгани қайта-қайта ўқтирилди.

«Ишонч» мухбири.



Кўнгирутда қадим-қадимдан миллий халқ анъаналари кўриклари, миллий чолғу-асбобларида кўйлар ижро этиш мусобақалари ўтказилиши одий тусини олган. Айниқса, хотин-қизлар ичида чиркочкувуда кўйлаш усталари кўп. Шулардан бири «Наврўз» давлат хўжалиги, Назартепа қишлоғияк Нардаҳол Чорпанбевадир.
Б. ИСМОЙЛОВ сурати.

Опоқдадам билан катта бувим аммамдан кейин ҳам бир неча фарзанд кўришибди. Лекин улардан биттаси тирик қолибди, холос. Бу менинг дадам эканлар. Аммам билан дадам ўн саккиз фарзанддан иккитагина бўлиб ўлган эдик.

Хуллас, биз она ўша бир лаҳзада кўйлаш усталари кўп бўлган омон қолган одамларнинг неварларини эканмиз. Уша бир лаҳза... ниманинг қудрати экан. Буни ҳар ким ҳар хил талқин қилсади. Қимдир эҳсон оши учун қилинган ният туфайли дейди. Яна кимдир ҳалол одамларнинг пулини ўғирламоқчи бўлган ўрига худо тайин қилган жазо туфайли, дейди. Яна кимдир эса шунчаки тасодифга йўяди. Хуллас, ўша бир лаҳзада катта бир авлод умри учун доя бўлган лаҳза экан.

- Танишу нотанишларга биринчи бўлиб салом бер, бу сенинг одамийлигингдан бир нишона.
- Қариндош-уруғларига меҳрибон кишигина бошқаларга ҳам меҳрибончилик қилиши мумкин.
- Сукут қақлаш ҳар уч имкониятдан иккитасида ютиб чиқилш демаяқ.
- Амалга ошган ниятинг қанча кўп бўлса, шунча яхшилик кўрасан.
- Хайрли иш қилувчилардан садақатли дўст чиқади.
- Яратувчан одамда бўш вақт бўлмайди.
- Бевақт сенга сабр-тоқат тилашмасин.
- Марҳумлар ҳақида ёмон сўзлаганинг ўзи ёмон.
- Дўсти борга шайтон яқинлашмайди.
- Раҳмдил одамларнинг нони яримта бўлса ҳам бор.
- Муровват кутмай, муровват кўрсатиш ўзига бойлик йиғишдир.
- Чақимчилар бодиди ҳаромлик бор.
- Елгончининг эртаси ҳалокатдир.
- Олийжаноб ва муровватли одамлар ҳеч қачон кам бўлмайди.
- Ҳалол одам ҳамма томонга тик, гирром эса фақат ерга қарайди.
- Нутқдаги ажратилишни ҳисобга олмасангиз одам билан ҳайвоннинг фарқи исми билан жисмидадир, холос.
- Тарбияни тарбия таъсири ўтадиган жонзотларга қил, акс ҳолда меҳнатинг зои кетади.
- Улимдан қочиб қутилолмайсан, унинг учун масофа, вақт, макон йўқ.
- Одамда фазилат кўпайган сари уни бахт эшиклари бирма-бир очилаверади.
- Ҳаётда чидамли, бардошли, матонатли бўлмоқчи истасанг оқил, эзгу ниятли бўлишга интил.
- Одамлар ҳақини ноҳақ ейишдан қўрқмасанг, қўл остингдагиларни раҳитсанг бил: ҳаётинг сўнгида сени ҳор-зорлик кутади, бу дунёдаёқ дўзахни кўрасан.
- Фосиқ одам бузуқликни севади.

- Кўринишдан ёқимтой, беозор бўлсада, кўнгли қора, ҳасадчи одамдан қўрқ.
- Дўсти борнинг қадди тетик бўлади.
- Хушфезълигингдан ўзингдан кўра ўзгалар кўпроқ наф кўради.
- Тўғри сўз, саҳий ва мулойим одам бадавлат бўлмаса ҳам марғабали бўлади.
- Наф балосидан қутилиш йўли битта — саҳий бўлиш.
- Имонли одамда шарм-ҳаё, мунофиқда беҳаёлик устун бўлади.
- Фазилат ёлгончидан қочади, садақатли кишига эса интилади.
- Ҳаромилар чақимчи бўлади. Бу иллат уларга сўт билан кирган ва фақат жон билан чиқиши мумкин.
- Она—бирламчи, ота—иқкиламчидир.
- Аёлга муносабатингга қараб улуғлигинг ёки пасткашлигингни айтиб берса бўлади.
- Гуноҳсизга жазо берган бошлиқдан гуноҳкорни жазосиз қолдирган бошлиқ устун.
- Ўз ақли билан иш тутадиган одам, бировнинг ақли билан иш юртадигандан юқори туради.
- Иши кўп одамнинг иғвоси кам.
- Жаннат қалитини илмдан ахтар.
- Қўллик, оёқлик дангасага раҳм-шафқат эмас, туртки даркор.
- Мансабсиз дўстингни амал курсисига ўтирганинга ёддан чиқарма амалдан тушинганинга дўстсиз қолмайсан.
- Дилинг гофил бўлса, бил: фарзандларингни ҳам дўзахга тортасан.
- Ҳаё бебаҳо—бойлик, уни йўқотма.
- Ҳаётдан лаззатланиш ҳисси тугаган чоғдан бил: сен ҳайвонот дунёсига ҳамис қўйбошладинг.
- Андишасизлик билан берилган саволларга энг яхши жавоб индамаслик.
- Умрининг охири дақиқасида ҳам дарахт кишига интил.
- Ваъдабоз ва ёлгончида дўст бўлмайди.
- Номардга ҳақ йўл бегонадир.
- Икки юзмамачида яхшилик уруги бўлмайди, бўлгани ҳам унмайди.
- Қоронғилик бўлмаса чироқ на даркор.

Тўлкин МУХИДДИН.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сониди Марказий Осиё ва Россиянинг туркий-халқлар яшайдиган юрларида жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши, ривожланиши, моҳияти ҳақида тўхталиб, мазкур ҳаракатнинг миллий зиёлиларимизга кўрсатган таъсири қандай бўлганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Мақола охирида жадидчилик Беҳбудий, Фитрат, Садриддин Айний, Мискин, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза ва бошқаларни уйғотди қабилдаги мулоҳаза баён қилинган эди. Мазкур ҳаракат ва оқимнинг энг йирик намоёндаларидан бири — Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғли — Беҳбудий (1874—1919) бўлиб, у бутун ижоди-ю фаолиятини жадидчилик ғояларини амалга ошириш учун курашга бағишлади ва шу кураш йўлида ноҳақ қатл этилди. Беҳбудийнинг 1910 йиллардаёқ тараққиётпарвар жадидчилик ҳаракати тарихида ғоят катта мавқега эга бўлганлигини атоқли давлат жамоат арбоби Файзулла Хўжаев шундай таърифлаган эди: «...Бўхоро ва Туркистон жадид ташкилотлари ўртасидаги тафовутларга қарамай, бир қанча қулайликларга эришиш учун бутун кучларини сарфладилар. Бу борада Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг номини эслатмасдан ўтиб бўлмайди. Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатида Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан унга тенг кела оладиган киши бўлмаса керак.

Беҳбудий 1900 йиллардаёқ ўрис муштамлакачилик сиёсатиға қарши миллий мустақиллик учун кураш байроғини биринчи кўтарган зиёлиларимиздан бири сифатида тарих майдонига чиқди. 1905—1906 йиллардаёқ муштамлакачилик, жаҳолат, хурфотларни қаттиқ фош этиб, мактаб, илм, маърифат, маданиятни тарғиб қила бошлади. Халқ оммасининг онгини оширмай туриб, илм-маърифат воситасида ўзлигини танитмай туриб, миллий кадрятлар, илғор анъаналарга риоя қилмай туриб миллий мустақилликка эришиб бўлмаслигини Беҳбудий чуқур идрок этар ва барча иш фаолиятида бу ғояни амалга оширишни кўзда тутарди. Дастлаб у янги усул мактабларини ташкил этишга алоҳида аҳамият берди. Тарихда «Усули жадид мактаби» деб аталган мактабни дастлаб ўз уйида очиб, болаларни текин ўқитди. Бу мактабда диний илмлар билан бирга тарих, адабиёт, математика, жуғрофия сингари табиий фанлар ҳам ўтила бошланди. Тил, адабиёт, жуғрофия, математика бўйича дарсликлар ёзди. Бир қатор ҳамфикр дўстларининг шаҳар ва қишлоқларида очган «усули жадид» мактаблари ишларига шахсан ёрдам берди. Матбуотларда тез-тез чиқиб, мазкур мактабларнинг моҳияти, мақсади, тараққиёт йўлидаги аҳамияти ҳақида қатор илмий, назарий, публицистик мақолалар ёзиб, жадидчилик ғояларини тарғиб қилди. Беҳбудий Туркистон халқларини ислохотлар йўли билан, аста-секин онги, маънавий дунёсини ўстириш, ривожланган Оврупо мамлакатлари тараққиётидан ибрат олиб, мустақилликни қўлга киритиш лозим, деб ҳисобларди. Шу мақсадлари учун кураш жараёнида турли сиёсий кучларга қарши очиқ курашишга ҳам тўғри келарди. Имон-эътиқоди муштақкам шахсга ўз ҳаёти ва манфаатини уйламай жамият учун шундай хизмат қила олдики, Беҳбудий бу жиҳатдан ҳам бизга ибрат бўлолади. Биргина мисол: 1905—1906 йилларда Россия социал демократлар фирқаси анча-мунча иш қилиб улгурган, Ленин бошлиқ бу куч Россияда давлат тўнтаринини яқинлаштириб келаётган эди. Беҳбудий илғор зиёли ва сиёсий арбоб сифатида бу фирқанинг фаолиятига ўша йиллардаёқ очиқ қарши чиқади. «Хуршид» газетасининг 1906 йил октябрь сониди Беҳбудий махсус мақола билан чиқиб, социал-демократик фирқани қаттиқ танқид қилади. Туркистон мусулмончиларини мазкур фирқани қўлламасликка даъват этади.

Шундай қилиб, Беҳбудий жадидчилик ғояларини кенг қўламда ёйиш мақсадида Туркистондаги барча вақтли матбуотларда ўз асарлари, мақолалари чекланмай, ўзи ҳам айрим газета ва журналлар ташкил этади. Жумладан, 1913 йили «Самарқанд» газетасини, яна шу йили «Ойна» журналин ташкил қилган эди. Буларда Беҳбудий асосан жаҳолатга қарши маърифатни тарғиб этишга куч-ғайрат бағишлайди. «Падарқуш» драмасида бу ғояни бадий ифодалайди. Бухорода амирликни ислохотлар йўли билан ўзгартириш тарафдори бўлади. Давлатни демократик-парламентаризм усулига олиб бориш учун курашиб келаётган Беҳбудий Туркистонда зўрлик билан амалга оширилган октябрь тўнтаринини ўша кунларнинг ўзидаёқ ошқора душманлик билан қарши олди. Айни кунларда Қўқон мухторияти ҳукумати тузилишида фаол иштирок этади, уни сақлаб қолишга интилади. Бу мухториятни шўро ҳукумати оғизда «қувватлаган» бўлиб, аслида қонга ботиргани учун Ленин билан

лий ўзига хосликдан маҳрум бўлиб қолмасликларини алоҳида ўқдирган. Бунинг учун мактабларда таълим-тарбияни қандай олиб бориш кераклигини Беҳбудий шундай таъкидлайди. «Илми диний ила бирга илми замонавий, илми дунявий таҳсил қилмасак мунқарз бўламиз... Замонавийнинг илм ва фанидан, илми динимиз ила бирга ўқиб ўзимизни дин ва миллатимизни ҳибз этмак керак ва илло Оврупо ашэйи нафисаси касабаларимизни ва Оврупо сиёсийлари вужудимизни бўлиб юборадилар...» Беҳбудий бу гапларни 1906 йилда «Тараққий» газетасида ёзган эди. Уйлаб кўринг, бу даврда ўрис муштамлакачилик сиёсати авжига минган, иккинчи томондан социал демократлар сиёсий майдонда тобора яққолроқ кўринаётган, Туркистон халқлари қайси йўлдан бориши тўғрисида ўйлайдиган ўта мураккаб бир тарихий шароитда жадидчиларнинг асл мақсадларини

миллият ҳисси бўлмоғи сабабли буюк-буюк тижоратлар бошқалар қўлига кирмаслигига шубҳа йўқ. Чунки уларда ширкат очиб, иттифоқ ва одиллик билан савдо қилмоқ одати... бордир. Бир қўл бир иш қилур, бир неча қўл, албатта, кўп иш қилур. Биноан алайҳ Туркистон мусулмонларининг мунқарз бўлмоқларини ва келадиган замонларда бутун тижоратлари қўларидан кетиб, киши қули бўлиб қолмоқларига сабаб бўлур... Такрор деюрманки, қариндошлар, бир-бирингиз билан улфатлашиб, ширкат очиб савдо қилинғиз! Россияга юриб тижорат қилинғиз! Хайрли савдолар қилиб, нуридийдаларингизни усул ва тартибга ўргатиб, янги мактабларга беринғиз!». Бу гапларни Бектемиров 1908 йилда «Шухрат» газетасида ёзди. Мазкур кўчирмада Беҳбудий фикрлари қўллаб-қувватланади, қўшимча далиллар билан тўлдирилади. Ерли аҳоли ўртасидаги айрим иттифоқсизлик, савдо-тижоратдаги маданиятлар, гўзал табиати, бебаҳо, ширин-шакар мевалари, пахта ва бошқа барча зийнатлари ҳузурини ўрис босқинчилари кўраётганини очиқ айтилади. Агар туркистонликлар ўзаро иттифоқ бўлиб, ширкатлар очиб, ерсудан тортиб бутун тижорат ишларини қўлга олмақчи бўлса, ўқиши, ўрганиши, болаларини янги мактабларга бериши, келажакда ёш авлодни ҳам қўл қилиб қўймаслик учун астойдил кураш олиб боришлари зарурлиги ўқдирилади. Кўриб турибсизки, мазкур кўчирма юрак тўлқинларидан отилиб чиқаётгани учун унда бирорта сунъий, сийқа сўз-у ибора учрамайди.

Ватанин севиш ва унга қандай хизмат қилиш, ўз халқи, миллати манфаатлари учун ишлаш ва яшашни ҳам, курашни ҳам улардан ўрганишимиз лозим. Шу ўринда мен юрт бошимиз Ислоҳ Каримовнинг республикамиз вазирликларининг ярим йиллик фаолиятлари яқунларига бағишланган йиғилишдаги нутқларида ўта қуйиб-пишиб ифода этилган фикр-мулоҳазаларини эслатиб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман. Юзлаб давлат хўжаликлари юртга зарар келтириб турган бир шароитда шахсий фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан гўштининг 68 фоизини етказиб берса, яна давлат хўжалиги ёки жамоа хўжалиги раҳбарлари бор кучлари билан фермерлик ҳаракатлариға нуқул халақит бераверса, — шуни халқимиз манфаатини кўзлаш?! Этиштирилган мевачевалардан тортиб, пахта толалари-ю, озиқ-овқат муҳсулотларидан юзлаб тонналар ўғирланиб, четга чиқарилса-чи? Бунда имон, виждон қани!

... Гап шундаки, Беҳбудий, Фитрат, Бектемиров ва уларнинг сафдошлари муштамлакачиликка қарши миллий мустақиллик учун олиб борган курашларида боқимандаликни қоралаганлар, бинобарин худди ўзлари каби энг илғор фикрли маслақдошларни кўпайтириш учун астойдил ҳаракат қилганлар. Халқ оммасининг маънавий савиясини ошириш учун, ўзлигини таниб олиши учун, жаҳон маданияти даражасида фикрлай олиш учун нималар қилиш, қандай чора-тадбирларни амалга ошириш кераклиги тўғрисида муттасил изланишни давом эттирганлар... Шунинг учун ҳам улардан қолган бой маънавий мерос тараққиётимиз манбаи сифатида бизга ҳаммиша фойда келтириверади, ибрат бўлаверади. Уларни иззат-эҳтиром билан эслаб туриш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Аҳмад АЛИЕВ.

МАҲМУД- ХЎЖА БЕҲБУДИЙ

Сталин мазкур ҳукумат раҳбарлирига табрикнома юбориб, мунофиқлик билан уни тор-мор этишганини яқиндагина атоқли олим Бўрибой Аҳмедов телетомошабинларга ҳикоя қилиб берди. Бу гаплардан мақсад шуки, Беҳбудий ва унинг ҳамфикрлари бўлмиш бизнинг буюк аждодларимиз саякам юз йил олдинроқ Марказий Осиё халқлари бошига тушажак фожияларни каромат қилганлар. Эътибор қилинғ, Беҳбудий фаолияти муносабати билан тилга олинган муштамлакачиликка қарши миллий мустақиллик учун кураш, бун илм, маърифат, маданият, энг тараққий этган мамлакатларнинг фан-техникасидан ибрат олиш, халқ маънавиятини, миллий кадрятларни кўтариш, аниқ фанлар билан диний илмларни ҳам ўргатиб, ёшларни ҳар томонлама етук шахслар даражасига кўтариш, бу буюк тадбирларни аста-секин, миллий ўзига хосликни кўзда тутган ҳолда ислохотлар йўли орқали амалга ошириш-бизнинг бугунги кунлардагина икки йилдан буён амалга оширилаётган сиёсатимиз билан қанчалик ҳамоҳанг!.. Биз истиқлол мафкурасини яратаётган ҳозирги вазифаларда буюк аждодларимиздан қолган ана шу бой маънавий мерослар йўл кўрсатади, ёрдам беради. Ғоят катта манба бўлиб ҳам хизмат қилади. Беҳбудий XX аср бошларидан то умрининг охиригача худди шу ғоялар учун узлуксиз курашди. Зотан Беҳбудийнинг мактаби-ю, асарлари, мақолалари, хуллас, бутун фаолияти миллий мустақиллик учун кураш ғояси билан ёниб туради. У нима ҳақида нима деган бўлса, нима ёзган ва қандай иш қилган бўлса, фақат мана шу ғояни кўзда тутди. Бинобарин, Беҳбудий миллий мустақиллик деганда ҳеч қачон миллий маҳдудликни ўйлаган эмас, бирон кимса, ҳатто армани, яҳудийларнинг, ярамас вакиллариини фош этганда ҳам уларга қарши турган эмас. Ривожланган Оврупонинг барча тараққиётидан ибрат олишга даъват этганда ёшларни мил-

назарий жиҳатдан ишлаб чиқади. Бундай вазиятда аввало замонавий илмлар билан куруланиш шарт, бинобарин, миллий ўзига хослик, урф-одатлар, миллий кадрятлар, диний ақидаларнинг энг илғор ва муҳим нуқталарини пухта эгаллаш ва шу билан бирга ўзлигини йўқотмаслик, имон-эътиқодда муштақкам туриш масалаларини ҳам кескин қилиб қўяди. Бусиз миллий мустақилликни қўлга киритиш мумкин эмаслигини алоҳида ўқдиради. Агар замонавий илмлар билан курулланилмаса айни кунларда барча етакчи ишларни ўз қўлларига киритиб олган муштамлакачилардан қутилиб бўлмайди, деган фикрни дадил кўтариб чиқади... Беҳбудий бу аянчли аҳволдан қутилиш йўлларини тинмай излар, ўз фикрини матбуотларда баён қилиб турарди.

Беҳбудийнинг ҳар чиқишлари унинг шогирдлари, ҳамфикрлари, маслақдошлари томонидан қўллаб-қувватланар, қарашлари янада аниқ далиллар билан тўлдирилиб кенгайтирилиб бориларди. Беҳбудий маслақдошларидан Бектемиров ўрис босқинчиларини Туркистон ерлари нимаси билан қизиктиради-ю, нега улар босиб келдилар, энди улардан қутилиш йўли қандай бўлади, деган саволларга шундай жавоб берган эди: «...Туркистон савдоси... Тошкент заҳири ва батини манзараси билан Оврупо сиёсатдонлари ва бойларнинг диққатларини жалб этарликдир. Лекин таассуфки, бундан фойда қиладиган кишилар кимлар? Масалан, мевалардан, сабзавотлардан, пахталардан ва бошқа экинлардан фойдани кимлар олурлар? Заводчилик ишларини кимлар ўз қўлларига олурлар? Албатта бунга яшириб бўлмайди, тўғриси бу ердаги мусулмон қариндошларимизда илм, иттифоқ, иттиҳод, ҳаққоният ва



МЕХНАТ синовларидан ўтган қишлоқ аёлининг қадок қўллари, азаматлигини кўз-кўзлаб турувчи қуёшда тўрлаган юзлари, сал эгик, аммо пишиқ қомаги, рангини қуёш ялаган либослари, йирик-йирик қадам ташлашлари, қийқириб кулишлари ҳам ўзига ярашган. Биз журналистлар уларни жаҳондаги энг бахтли аёл қилиб тасвирлардик. «Сен бахтлисан» каби зикрлардан маст эдик. Ичимиз йиғлаб туриб ҳам кулолган кўзларимиз, сўзларимиз алдаётганини билиб туриб ишонаверардик. Жаҳонларда жаҳонларни, аёлларда аёлларни кўрарканмиз, таққослаш деган туйғуни унутиб юборганимизни ниҳоят англадик. Жоду тугунлар сўкилиб, кўз олдимиздаги пардалар очила бошлади. Бу ҳол демократия, фикрлаш, тафаккур деган водийлардан келаётган истиқлол саболарининг таъсири эди.

Аёл кўпқиррали турмуш тарзини яратгани сари жамиятимиз уни олқишлади. Аёлни уй чўрилигидан «озод» ёрлигини ёпиштириб олганимизча уни тирикчилик воситасига айлантириб қўйган эдик. Қани аёллардаги қадимги шарқона нозиклиги назокатлари?..

— Ҳаммаси рост, ҳеч муболаға жойи йўқ, — деб таъкидлаган эди донгдор пахтакор, Тошкент вилояти халқ ноиб Дилором опа Раҳимова, — мана мен иккита институтни битирган олий маълумотли аёлман. Манман деган эркакдан кам демасдим ўзимни. Худоба шукур, вақт топиб йилда бир, икки бор Тошкентга келганимда сартарошхонага кираман. Мени колхозчи аёлларимдан ажратиб турган нарса ҳам шу — шаҳарча бардозим. Колхозчи сарҳадан то кун ботгунча пайкалда тиззалаб, эмалаб юриб ишлайди. Ҳаммада тиним бор, бу шўринг кургур аёлда тиним йўқ. Яганалаш пайтларида тиззалари шилиниб, почалари ва этаклари сизилиб, титилиб кетарди. Декретга чиқиши керак бўлган аёл қорни қорикда судралиб ягана қиларди. Бир куни биттамазининг ҳолимиз қароб даражага тушганини сезмай қолибмиз. «Хой, нима бўлди, отизда туғиб қўясан-ку, ҳозироқ дўхтирга бор.» дедим. Уша аёл муддатидан бир ой олдин туғди. Эҳ, ичим шундай қизидики, куйиб кетдим. Манабу чет эл киноларини кўриб ёқа ушламан. Аёллари ҳомиладор бўлишлари билан сал қоқилиб, суришиб қолгудек бўлса, боласи тушиб қолаверар экан, бизнинг жонимиз темирдан ҳам бакуват эканми, дейман, кўз тегмасин-эй. Бу жони сабиллар боласидан ҳам пахтасини кўпроқ севгани-чи. Шунинг учун ҳам пахтаси гуркираб ўсгани сари боласи саргайиб бораверарди. У пахтани ҳавасга севарди дейсизми? Кунни учун, куйгани учун, жонига зўр келганидан, жамоа хўжалигининг бир парча ерида ўтирганидан севишга мажбур эди. Йўқса, қайси онгли инсон бир умр рангининг сариғи томчилаб туриб «замон, замон бизнинг замон даврон бизники, кўлимизда еру осмон, имкон бизники» деб қўшиқ айтади! Кишанга айланаётган қора меҳнатдан, ойлаб ёғ, гўшт кўрмаган қора қозондан, бошига топса оёғига етмайдиган рўзғоридан ҳам шунчалик завқланадими киши!

Тенг ҳуқуқлилик ортиғи билан улғуланган аёл шу даражага бориб етдики, эркак уйда бола боқиб ўтиргани ҳолда у рўзғор юмушлари билан кўча айланарди. Аёл пиллакор, аёл пахтакор, савдогар, раҳбар, бошлик, чайқовчи, ўқитувчи, жарроҳ... Аёлнинг юзи очиқ, қўли қадок, овози баланд. Оиладаги жами ютуқлари кам-кўстларнинг са-

бабкори аёл... Аёл доно. Аёл осмон, аёл...

Хуллас, бугун ёруғ кунлар остонасида туриб ортага назар ташлар эканман, аллоҳнинг иродаси билан тегирмондан бутун чиққан Тўмарис момо авлоди — тенгдошларимга ҳавас билан қарайман. Инсон эзгуликка мойил яратилган. У хато қилади. Хатолар унга ҳақ йўлни белгилаб беролса, бўлажаги шубҳасиз. Биз ўтган йилларда ҳам ҳақ йўлга ишондик, яратдик, меҳнат қилдик, курдик, фарзандлар ўстирдик, умид қилдик, мамнун бўла олиш санъатини кашф этдик. Сохта бахт яратиб бўлса ҳам ишониб яшадикки, бу кунларга соғ-омон етиб келдик. Менимча шунинг учун ҳар бир ўтган кундан, умрдан ибрат олиб янги кун сари интилоғимиз керак.

Истиқлол йўналишларида асосий масала — соғлом авлод, оналик ва болаликка салмоқли ўрин берилади. Ўзбекистонимизнинг обод эртасига ишонтирувчи истиқлол йўналишлари, ҳукуматимиз ва президентимизнинг

Молларга қарайди, ўт-чўп тайёрлайди, бақириб-чақиради, хурсанд бўлади... Эрта-кеч она бағридан, онанинг чиройли одобномалари, эртақларию, чўпчакларидан, ҳикояларидан йироқда ўсган бола меҳрдан, сўзнинг чиқарим-туширимларидаги оҳанг орқали етиб келади руҳий озикдан маҳрум қолади. Меҳр дегани фақат қорин тўқлигию, усти бутунликда эмас-ку! Келинг, курбимиз етганича тан олайлик ўзимиз йўл қўйган хатоларни. Болаларимиз туфайли оилада кунига неча бор дилларимиз ранжишига, «илғор фикрли» фарзандларимизнинг сўзу ҳаракатларида биз ота-оналарнинг қоқлигимизни қайд этиб туришлари аввало ўз хатоларимиз эканига иқрор бўлайлик.

Аёл кези келганда неча бор афсусланган. «Болаларга қарайдиган одам йўқ, рўзғор бут бўлганида жон деб болаларим билан шугулланган бўлар эдим. Кучингни, кайфиятингни кўча сўгуриб олади, жасадинг келади уйга, қандай қилиб боланга бағишлайола-

Демак, соғлом жамиятни соғлом авлод қуради. Соғлом авлодни камол топтириш учун эса бир қисм моддий ғамхўрлик билан бир қаторда муҳим зарурат борки, бу фақат оналик зиммасига юкланади. Онанинг бошқа ишлардан камида эллик фоизга озод қилиниб, фикри, меҳри, қўллари боласига бағишлансин! Кўп болалик аёлнинг уйдаги меҳнати иш стажни сифатида ҳисобга олиниб, маълум миқдорда ойлик белгиланса — истиқлол йўлида яна бир эзгуликка эсос солинар эди.

Соғлом авлод соғлом оналардан туғилиши учун бугунги оналарнинг турмуш тарзи олдимизда қўяётган мақсадларга мувофиқ келиши керак. Она ўз оналик мақомида қадрлиши, меҳнатнинг аёлга мувофиқ меъёрларининг бажариши керак. Соғлом она қиёфаси қизларимизнинг соғлом ва маънавий етуқ эртасида шаклланади. Қизларимизнинг ўсмирлигини оғир дала меҳнатидан кўз қорачиғидек аямоқ лозим. Далада ота-онага кўмаклашиш бошқа, ҳали шаклланмаган, мурғак қадди-қомаги ёйдек далани иккинчи уйга айлантириш бошқа. Ҳақиқатан ҳам биз соғлом авлод соғлом онадан туғилишига ишонар эканмиз, қизларимизга бўлажак оналаримиз деб қарашга мажбурмиз. Ота-боболаримиз беҳудага қизларини «она қизим», «онам» деб эркаламаган. «Кишининг хасми» бўлган қиз болага нозик бир ҳилқат, ҳамиша меҳрга муҳтож оғизга деб қарашдаги «оғизга» сўзининг мазмуни бизга тушунтирилгани каби хўрловчи маъносида эмас. Балки у жамиятнинг масъулиятини ошириш маъносига эркакларни руҳан нозик, жисман оғир зотига доимо лутфмарҳаматли меҳрибон бўлишликка ундайди.

Аллоҳ аёлларни шу қадар аяйдикки, ҳатто носоғлом чоғида ибодат ва рўза тутишдан озод қилади.

Пахтачилик дунё деҳқончилигида ҳам энг оғир, сермашаққат иш ҳисобланар экан. Пахтанинг ўзи оқ, аммо меҳнати-чи?.. Ҳеч бўлмаса ана шу меҳнатнинг илмий ҳулосаларига асосланган меъёрини ишлаб чиқиш, шунга қараб иш вақти ва иш ҳақи тақсимотига ўтиш вақти етмадикимин? Ҳозирда кўпчилик пудратчи оилалар ўғил-қизлари кучига таяниб экин экаяптилар. Оқибатда яна жисмонан нимжон, дунёвий маънавий қашшоқ авлод етиштиришда давом этамиш ва яна онгсиз равишда униб-ўсаверамиз. Жаҳон тараққиёти нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак билимсиз деҳқон ишлаб чиқариш қуроли, фикрланмайдиган, тафаккур қилмайдиган ишчи кучига айланиб бораверади.

Ишончим комилки, хотин-қизлар меҳнатининг шароитимиз, муҳитимиздан келиб чиқадиган, инсоний қадриятларга мувофиқ меъёрлари бугун бўлмаса эртага албатта ишлаб чиқиладди. Бу ишда олимлар, педагоглар, дин вакиллари, халқ иштирок этади. Албатта эзгулик бир кунда дунёга келмайди. Ватанимиз эндигина илк, мустақил қадамларини кўймоқда. Шундай тарихий кунларда муҳтарам Президентимиз, меҳнаткаш халқимиз, ҳар биримиз меҳрга, мададга муҳтожмиз. Иншоаллоҳ яқин келажақда жаҳон айвонида ўз ўрнимиз, шўҳрату доврўғимиз бўлади. Насиб этса невараларимиз истиқболимизнинг дастлабки соғлом авлодлари, дунёда энг кучли мамлакатлардан бирининг бахтли фуқаролари бўлиб қоладилар.

Раъно РАҲМОН қизи.

ОНА БЎЛОЛСАЙДИК СОҒЛОМ АВЛОДГА

саъий ҳаракатларидан қувонганим ҳолда анча-мунча турмуш тажрибамдан келиб чиқиб кеча ва бугунни таққослайман.

Кечаги аёлнинг йўқотишлари бугунги ёш аёллар — туғилажак соғлом авлод оналарининг қисматида тақдорланмаслиги керак. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазир Шавкат Каримов таъкидлаганидек, она руҳан ва жисман соғлом бўлмай туриб авлод соғлом бўлмайди».

**Айбситманг гар кулбам ғарибу мискин
Кўналғага шу ҳам етиб ортади.
Бу уйнинг мунгайган деворларимас,
Дўстнинг нигоҳлари дилга ботади...
Тўнлари шабнамдан ғиштин**

**ёстигим,
Хамирга айланиб тонглаб қотади.
Кундуз тирикчилик — девлар**

**сафланиб,
Тошбўронга тутиб қаҳ-қаҳ отади...**

Уэр. Ўз дардини айтиб йиғлар қабилга ўтиб кетибман. Сўзим фақат зиёли аёл эмас, соғлом авлод онасининг таъкидлари ҳақида эди. Қадимдан бор гапки, фарзанд яхши одам бўлса, отасига раҳмат, ҳамма ёмон болалар ҳақида гап кетганда унинг ёмонлик жиҳатлари она наслидан ахтарилади, «унинг онаси фалончи-да, ахир» дейишади. Онанинг насл, хусусиятларини ташувчилиги илмий жиҳатдан исботланган. Тўғри гап, шер гап. Йигирманчи аср улғулаган, эркаклар билан беллашиш ва ҳатто улардан ўзиб кетиш шарафи зиммасига юкланган аёл ўз фарзандида кўраётган ютуқ ва камчиликларини қандай инкор эта олади? Оиланинг бугунги кундаги кам-кўсти, маънавий кемтикликларини аёлдан излаш кулайроқдир. Бир қараганда шундай. Лекин жамиятни бошқараётганлар асосан эркаклар-ку...

Ҳозир ҳам эрта туриб эри ва болалари уйғонгунча сутга, нонга чопади. Кейин боғчага, мактабга, ишга... Кечкурун бозор-ўчарини қилиб, қозон тагини жўнаштириб юборган бўлади.

сан ўзининг?»

Ҳали ҳам эзувчи меҳнат билан озод меҳнатнинг фарқи боролмаётганимиз боис мурғак болаларимизни офтобда зиёда тоблашда давом этаймиз. Бир матбуот конференциясида тиббиёт фанлари доктори, академик Карим Йўлдошев шундай дегандилар:

— Одамлар қишлоқ хўжалигини, экинни, далани яхши билишади. Лекин ўзининг инсон эканини ҳамма ҳам ўйлавермайди. Турғунлик бизни ўйлаш, фикрлашдан маҳрум қилиб қўйганлиги янги босқичдаги тиббиётга ўтиш даврида айниқса билинмоқда. Одамлар пулли сизмат моҳиятини англаш учун аввало соғломликка интилиш, инсонлигини ўйлаш заруратини билиши керак. Мен одам эканман, деган билан иш битмайди. Одам одамийлик ўлчовлари асосида дам олиши, еб-ичиши, меҳнат қилиши, соғлиқ ман қилган барча ёмон ахлоқу ҳаракатлардан сақланиши керак... Пайғамбар алайҳиссаломнинг «ўз аъзоларингизнинг ҳақини адо этинг» деган ҳадиси шарифларидаги ҳикमत бир китобга татийди. Одам ўз аъзосига жавр қилиб, соғлиғига ғамхўрлик қилмас экан — бутун жамиятни жаврлайди. Меъёрдан ошган меҳнат ҳам, овқат ҳам организм учун оғу. Халқимиз жуда меҳнаткаш. Лекин меъёридан чиқиб кетган меҳнатни меҳнат деб бўлмайди. Бундай одамлар касаллиги бўғиздан олмагаунча ўзини ўйлашмайди. Лекин ғишт қолипдан кўчиб бўлган, барча толган-тутганини соғлиғига сарфламоқчи бўлса етмайди...

Сиз журналистлар, одамларга одамлигини тушунтирадиган мақолалар ёзишингиз керакка ўхшайди. Инсон эканлигимизни, табиатнинг олий мўъжизаси одам эканлигимизни, юрагимиз, миямиз, барча нерв тўқималаримиз бетакрор, ўзимиз бетакрор эканлигимизни билайлик. Жисмимизни қоплаб турган шу оддийгина тери қапати ҳам ҳатто энг олий техникаю компьютерлар ясаб беролмайдиган даражада мўъжизакорлигини билайлик. Шундагина тараққиёт, қадрият, соғлом авлод бўлади.

Яна бир неча кунлардан кейин барча ўқув юртларида машгулотлар бошланади. Ҳар ким ўз билимгоҳига кўнглини дам олиб, гаштли ҳор қ чиқариб, сихат-саломатликларини мустақкамлас қайтади. Шундай талабалардан юзга яқини бу йил Бўстонлик тумани Сижжак қишлоғидаги соғломлаштириш масканида дам олдилар.

Суратда: Биринчи Тошкент тиббиёт институтининг бир гуруҳ талабалари институт доценти Саид Турсунов билан таътил яхши ўтгани ҳақида суҳбатлашмоқда.

Н. МУҲАМАДЖОНОВ суратлари.





ЯХШИ АДИБ, яхши инсон, бунинг устига энг яқин ҳамкасбнинг ҳақида бир нарса ёзишдан қийини йўқ экан. Чунки унинг бетакрор, олийжаноб фазилатлари шунчалик кўпдайки, қайсинисидан бошлаб, қайсиниси билан тугатишни билмайсан. Ҳабибуллаҳон юборган бир жуфтгина шеърни қўлимга олганимдан бери нуқул шуни ўйлайман. Дарвоқе, ундан кўпроқ шеър кутардим. Бирон адабиётшунос, мутахассис олимнинг батафсилроқ фикр ва мулоҳазасини ёздириб юборишини ҳам сўрагандим. Чунки чумчуқ сўйса ҳам кассоб сўйсин, деган нақл бор элда. Ҳақиқий адиб ижодига ҳақиқий мутахассис баҳо бергани яхши-да, ахир. Йўқ, буни у камтарлик юзасиданми, маъкул кўрмабди. Унинг ўрнига икки донагина шеър юборибди. Устига устак ўша шеърларга наманганлик муҳбиримиз қискагина қилиб куйидагича илова жўнатибди: «Ҳабиб Саъдулло шеърларини юборяпман. Ҳабибуллонинг характерини ўзингиз биласиз, катталар ва олимларнинг ўзи ҳақидаги фикрларини тайёрлаб бериш юзасидан сўраган таклифингизга унамади. «Жонрид ака менинг қимлигимни яхши билади. Хоҳласа, ўзи бир парча мулоҳазасини ёзиб берақолсин». Ана холос, нишди гилос. Шу «бир парча муло-

ҳаза»га унинг кўп қиррали ижодий фаолиятининг қайси бирини сиздира оламан? У фақат шоиргина бўлса ҳам бошқа гап эди. У—драматург. Ҳамон Андижон вилояти театрида муваффақият билан намойиш қилинаётган «Юсуф ва Зулайхо»дай машҳур асарнинг муаллифи. У—кўшиқчи шоир. Радио орқали янграётган, тўй-тамшаларда ижро этилаётган дилни китикловчи, ҳаётдай ширин, ўнлаб дилбар кўшиқлар матнининг ижодкори. У—достоннавис. Улуғ Ватан уруши фожияларини ифодаловчи «Онажоним», «Мен туғилган йил», «Тирик қурбонлар» ва замонавий мавзудаги «Усмон, атлас» сингари сермазмун, ҳаяжонли воқеаларга бой достонлар ёзган. У—ҳаж-

катта бор, на кичик. Республиканинг адабиёт ихлосмандлари ўртасида хурматини эъозлаб тилган олмайдиганлар камдан-кам. Ҳабибуллаҳон келибди, деса, саноксиз ёр-биродарлари, ҳамкасбларининг юрагига ажиб бир ёруғлик қуйилади. Манман деган ёзувчилар пешвоз чиқиб, кучок очадилар. Дастурхон тўкин, гап-гаштак қизийди. Шундай одамнинг ҳам душмани бормикин, деб ўйлаб қоласан баъзан, бўлса ҳам жуда оздир, деган фикрга келасан кейин.

Ҳабибуллаҳонни биринчи марта матрос формасида учратганман. «Ёшлик» радио станциясининг катта муҳаррири эдим. Ҳарбий флотда хизмат қилиб қайтган ёш шоир илк

кўп, деб санардим ўша дамлар. Чунки сизга тик бокадиган одамлар сувдан ҳам, ўтдан ҳам ҳайқмайдиган жангоговор, ўз сўзининг ҳокони, дўстга содик, қатъиятли бўладилар, деб ўйлардим. Янглишмаган эканман. Ҳабибуллаҳон ёзган шеърлари каби кўркемлиги, саховатлиги, маънавий баркамоллиги билан барча дўстлари катори муҳлисларининг ҳам меҳрини тезда қозониб ола олди.

У 1971 йили Тошкент Давлат университетининг журналистика бўлимини битирди. «Океандан шабада», «Баҳор билан суҳбат», «Яна остонангдаман», «Эҳтиром», «Мулоқот», «Нур қадри» сингари аjoyиб шеърини туркум ва тўпламларнинг муаллифи бўлди.

Бир шеър ёзмоқчиман, биттагина шеър,

Ўша шеърим истаб келдим дунёга, деган эди қайси бир асарига. Ҳақиқатан ҳам туғма шоир ҳалигача ёзилмаган «биттагина шеър» орқасидан қувиб, чуқур фалсафий мазмунга бой, лирик ва ўткир ихтиросли, сурур, ғурурга тўла мисралар ижод қилди. Лекин ҳамон кўнгли тўлмайди унинг. Ҳамон излашида, ўша шеърни кидиришда давом этади. Унинг ҳар туркуми, достони, маколаларини ўқиб туриб ажиб бир дилбарлик қўйида юргандай, маънавий оламинг бойиб бораётгандай хис қиласан ўзингни. Она юртинг, саховатли буюк халқинг, миллатингни қанчалик улуғлаш зарурлиги туйғусига фарқ бўласан. Соф севгига вафо, садоқат, борлиққа, ҳаёт кўркемлигига эътиқод ҳисси чулғаб олаётгандай туюлади. Бундай сир-синаотли жозиба ҳақиқий маҳорат эгасидагина мавжуд фақат.

Мана Ҳабиб Саъдулло ҳақидаги «бир парча мулоҳазам». Мабодо изхори-фикрларимда бир ёкламалиққа йўл қўйиб сўзда хасисликка берилиб, энг муҳимларини эътибордан четда қолдирган бўлсам—мени кечирсин.

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

«БИР ПАРЧА МУЛОҲАЗА»

виячи. «Муштум» журналида унинг талай хандалар, қатралар, ҳажвиялар, ичақузилди хангомаларини ўқиганмиз. У—моҳир журналист ҳам. «Ленин учқуни»да адабий ҳодим, «Наманган ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррир ўринбосари вазифарларида ишлаб, бадний-танқидий маколалари, ўткир тигли фельетонлари билан ошно бўлганмиз. 1973 йилдан 1990 йилгача Ўзбекистон Ёзувчилари уюмисининг Наманган вилояти бўйича масъул котиби, ундан кейин вилоят маданият бошқармасининг бошлиғи... Буларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталадиган бўлсак таъриф-таъриф у ёқда турсин, унча-мунча қороз ҳам етмай қолиши мумкин. Энг муҳими, унинг одамлиги, дилбарлиги тўғрисида гап бошласак—гап тугамайди. Наманганда уни танимайдиган на

шеърларидан бирини кўтариб таҳририятга келгани эсимда. Шеърда она юрт, халққа садоқат, меҳр-муҳаббат дарди билан оташ бўлиб ёнаётган замондош қиёфаси, яшамок, курашмоқ завқига тўлган давр ғояси мадҳ этилган. Гарчи айрим ифодалар усулида умумийлик сезилиб турсада воқеликнинг яққол манзараси, инсон қайфиятидаги кўтаринкилик, жўшқинлик барк уриб турарди. Шунинг ўзи ҳам ундан тез фурсат ичи етук шоир етишиб чиқишидан далолат эди. Лекин менга шеърдан кўра йирик-йирик кўзларининг кишига дадил ва тик боқиб, айна пайтда суҳбатдошини тезда ўзига ром қилиб олишига қодир, дилга хушнудлик бахш этувчи қандайдир жозиба билан гаплаша билиши ёқиб қолади. Зеро, ерга бокиб гапиргандан кўрқиб керак, куёшга ҳам тик боқа олган одамдагина ҳикмат



Отда юрганимдан сенга не зарар,
Ё пиёда қолсам сенга қандай наф?
Соядай эргашиб шом ила сахар,
Нечун ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, «Гап?»

Таъзим бажо этсам хушомадгўй, деб,
Салом бермай ўтсам гердайган атаб,
Ҳар бир қадамимни этурсан таъқиб,
Нечун ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, «Гап?»

Хандон давра қурсам дўстларим билан,
Пулдор, бойвачча, деб юрасан айблаб.
Ёлғиз қолсам зикна, хасис, деб бирдан,

Яна ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, «Гап?»

Менинг-ку, қўлимдан келмас ёмонлик,
Яхшилик қилсам ҳам турмайсан қараб,
Қачон топарканман сендан омонлик,
Нечун ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, «Гап?»

Тирик экан сендан қутилмас одам,
Гўрга ҳам борасан вижирлаб, қайнаб,
Мен йлмайман, Сени қолдириб доғда,
Чунки қабримда ҳам тинч қўймайсан, «Гап?»



Танбеҳлар оламан кўпинча
Гоҳ онам, гоҳ эса хотиндан:

— Паришон бўлмасанг, эҳ мунча,
Чироқни ўчирмай кетибсан.

Ишда ҳам ҳунобдир ўртоқлар:
— Кор эрур на койиш, на ҳайфсан,
Хонангда ёнибди то сахар,
Чироқни ўчирмай кетибсан?

Шиорлар ҳайқирар завқ билан
«Тежангиз электр қувватин!»
Мен кирган хонамга шавқ билан
Бурайман чироқлар мурватин.

Эҳтимол тежамкор муҳаррир,
«Тузат!» деб босмас ҳам шеъримни.
Шунақа яшадим мен, ахир,
Кеч таҳрир айламоқ умримни.

Танишу нотаниш ҳар одам
Шу айбим койидай, нетай мен?
Шу тарзда ҳаттоки, дунёдан
Чироқни ўчирмай кетурмен.

Ҳабиб САЪДУЛЛО.

МАЪНАВИЙ ҲАМРОҲ

сиёсий-иктисодий сиқикларига қарамай у ўз йўлидан тоймади, ривож топди. Истеъдодли устоз адиблар сафига ўнлаб, юзлаб янги ва исёнкор ижодкорлар қўшилаверди. Уларнинг ижоди, адабий жараёни, адабиёт тарихи, тараққиёти ролни изоҳловчи, баҳоловчи саноксиз публицистик асарлар, дарслик қўлланмалари яратилди. Бирок олий ўқув юртлари, мактаблардаги эҳтиёжлар ва замон талаби билан муҳим бир муаммо ўртага қўйилмоқда эди. Яъни, йирик-йирик истеъдодлар, юксак ғоявий асарлар, илмий тадқиқотлар, ижодчилар ҳақидаги ихчам бирон маълумот яратилишини ҳаётнинг ўзи такозо қилар

эди. Гарчи Ўзбекистон ёзувчилар уюмисининг томонидан 1959 ва 1984 йиллари нашр этилган «Писатели советского Узбекистана» номли справочник — Маълумотнома мавжуд бўлсада, уларга Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир сингари марҳум адиблар киритилмаган. Худди шу жиҳатдан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ҳамда Алишер Навоий Давлат адабиёт музейи ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг «Фан» нашриёти адабий қўлланма сифатида «Ўзбек адиблари» номида рисола ўзбек тилида нашр этдики, айна чоғда бу янги

ижобий қадамдир. Маълумотноманинг муаллифи филология фанлари доктори, профессор Собир Мирвалиев аввалги чоп этилган маълумотномаларда йўл қўйилган катор камчиликларни тузатиб, қайта ишлаб, янгилаб, тўлдириб, адиблар сонини янада оширди. Китобда ҳар бир адибнинг сурати билан бирга таваллуди, ижодий фаолияти, адабий ҳаётда туганган ўрни, муносиб баҳоси, ёзган асарлари ҳақида қискачка лавҳалар бор. Собир Мирвалиев XX аср ўзбек адабиётига тамал тошини қўйган маърифатпарвар ва жадидчилик ҳаракати бошида турган йирик, атоқли намоёндалар, шунингдек, ҳозирги кун-

да ўзбек миллий адабиёти тараққиётига сезиларли улуш қўшган, қўшаётганлар катори ёш, истеъдодли, адабиётини тарихининг келажакини яратишга қодир энг кенжа авлод вакиллари ижодлари тўғрисида ҳам маълумотлар берган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланиб, эллик минг нусхада нашр этилган «Ўзбек адиблари» номида ихчам адабий рисола адабиёт фани ўтиладиган олий ва ўрта махсус билимгоҳлар, «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги талаблари, адабиётшуносларнинг эҳтиёжларини маълум даражада қондиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Абдулла САМАД.

С. Мирвалиев

Ўзбек адиблари



ЎЗБЕК халқининг тарихи, маданият санъати ва адабиёти қадим-қадимлардан сермазмун, сержилолиги, маънавий бойлиги билан ажралиб турган. Шўро даври адабиётининг ҳар қандай



АВГУСТ

23 ДУШАНБА

● ҶЗТВ I

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ешлик» студияси. «Эъзоз».
18.45 «Саодатли санъат сайёралари». Фильм-концерт.
19.25 Ёлонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Мустақиллик одимлари».
19.55 Ёлонлар.
20.00 «Денгизлар оша». Хужжатли фильм премьераси.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 «Жоним Ўзбекистон». Адабий-мусликий композиция.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».

21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Булоқлар кўз очганда». Сурхондарё вилояти.
22.35 Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 1-қисм.
23.40 «Хотира». Алп Жамол.

● ҶЗТВ I

18.30 «Ассалому алайкум» (такрор).
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Миришкорлар».
20.20 «Билиб кўйган яхши».
20.40 «Ўзбекистон спорти» (рус тилида).
21.20 ИИВ матбуот маркази хабар қилади.
21.35 «Дон Кихот болалари». Бадий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Яқунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгилликлар.
8.20 «Тингланг, томоша қи-

линг...».
8.40 «Транссибир. Йўл бошида». Телефильм премьераси. 1 ва 2-сериялар.
9.30 «Гол».
10.00 «Мавзу».
10.45 Мультфильм.
11.00 Янгилликлар.

14.00 Янгилликлар.
14.25 «Телемикст».
15.10 «Иш».
15.20 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.45 «Янги номлар».
16.20 «Иқболи кулганда».
17.00 Янгилликлар.
17.30 «Ҳафтанинг акс-садоси».
18.00 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилликлар.
20.25 «Ўзгариш». «Хотира ороллари». Телефильм премьераси. 1-серия.

21.15 «Спорт уик-энди».
«Янги студия» таништиради.
21.30 «Джем-сейшн». Л. Паваротти концерти.
23.00 Янгилликлар.
23.40 «Гол».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Россияда бизнес».
8.30 Тонги концерт.
8.45 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати.
9.45 «Осойишталик № 9».
10.45 Хонаки экран. «Шамол ҳам қайтади». Бадий фильм.
12.55 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.20 «Инженер Гариннинг гиперболоиди». Бадий фильм.
